ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ—ЛЕНИНИЗМ БАЙРОҒИ

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 219 (6080).

7 НОЯБРЬ

ДУШАНБА

1977 ЙИЛ.

Баҳоси 2 тийин.

ЯШАСИН УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ ШОНЛИ 60 ЙИЛЛИГИ!

ЯШАСИН ХХ АСРНИНГ АСОСИЙ ВОҚЕАСИ, ИНСОНИЯТНИНГ КАПИТАЛИЗМДАН СОЦИАЛИЗМГА ЖАҲОНШУМУЛ-ТАРИХИЙ БУРИЛИШИНИ БОШЛАБ БЕРГАН УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИ!



ТОШКЕНТ МЕТРОПОЛИТЕНИ БИРИНЧИ НАВБАТИ ҚУРУВЧИЛАРИГА, ПРОХОДКАЧИЛАРИГА, МОНТАЖЧИЛАРИГА, ИШЛАТУВЧИЛАРИГА, ПАРТИЯ, КАСАБА СОЮЗ ВА КОМСОМОЛ ТАШКИЛОТЛАРИГА, ҚУРИЛИШНИНГ БАРЧА ИШТИРОКЧИЛАРИГА

Азиз ўртоқлар!

Тарихий юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги арафасида меҳнатда ажойиб ғалабага эришганлигингизни — Тошкент метрополитени муддатидан илгари қуриб битказилганлиги ва поездлар қатнай бошлаганлиги тўғрисидаги хабарни эшитиб мамнун бўлдим.

Мамлакатнинг энг катта саноат ва маданий марказларидан бири — Тошкентда метрополитеннинг биринчи навбати фойдаланишга топширилиши йирик Чилонзор массивини шаҳарнинг марказий қисми билан боғлашга, аҳолини транспортнинг тезюрар ва ҳар жиҳатдан қулай тури билан таъминлашни анча яхшилашга имкон берди. Тошкентда метрополитеннинг қурилиши партия билан ҳукуматнинг совет кишилари турмуш фаровонлигини тинмай ошириш тўғрисида қилаётган ғамхўрликини кўрсатувчи янги ёрқин далилдир.

Мамлакатимизда метросозлик практикасида биринчи марта ғоят актив сейсмик зонада аъло сифатли, архитектура жиҳатидан яхши безатилган ва миллий безаклари бўлган ер ости метрополитен станциялари қисқа муддат ичида қурилди.

Сизларнинг бу муваффақиятларингиз кўпгина қурилиш, монтаж, лойиҳалаш ташкилотлари, машинасозлик корхоналари ишчилари, инженер-техник ходимлари ва хизматчиларининг, Тошкент шаҳри меҳнаткашларининг юксак унумли, фидокорона меҳнати ҳамда Москва, Ленинград, Киев, Боку ва Харьков шаҳарлари метросозларининг актив ёрдами, социалистик мусобақа кенг авж олдирилганлиги натижаси, объектларни жадал қуриш соҳасидаги илғор тажрибалардан ижодий фойдаланиш натижаси, партия, касаба союз ва комсомол ташкилотларининг олиб борган катта ташкилотчилик ва сиёсий ишлари натижасидир.

Азиз ўртоқлар, сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрами билан самимий табриклайман. Сизларга меҳнатда янгидан-янги муваффақиятлар, сиҳат-саломатлик ва бахт-саодат тилайман.

Л. БРЕЖНЕВ.

ИНСОНИЯТ БАХТИНИНГ ПОРЛОҚ ҚУЁШИ

«АВРОРА»нинг қудратли садолари бутун жаҳонга таралди. Инсоният тарихида янги давр бошланди. Бундан олтмиш йил муқаддам Россия ишчи ва деҳқонлари капиталистлар ва помешчиклар ҳокимиятини ағдариб ташладилар. Социалистик революция ғалаба қилди. Янгича ҳаёт, эркин давр, доруломон замон бошланди.

Улуғ Октябрь бутун планетада шундай йўлни ёрқин кўрсатиб бердики, эндиликда миллионлаб кишилар шу йўлдан бормоқдалар. Социалистик ва коммунистик тараққиётнинг ёрқин уфқлари ҳамма халқлар ва элатларга бугун ва эртанинг зафарли, ғолибона йўлини ёрқин кўрсатиб турибди. Бутун инсониятнинг, озодлик, мустақиллик учун курашаётган барча халқларнинг шу йўлдан бориши муқаррардир.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигига бағишланган КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлисида Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг докладида айтилганидек, революциянинг ҳар бир йиллигини нишонлар эканмиз, ҳар сафар Октябрнинг аҳамиятини, тарихнинг боришига, жаҳон тақдирига у ўтказаётган таъсирнинг кучини қайта-қайта фикр қилиб, мағзини чақамиз. Табиийдирки, Октябрь революцияси, аввало, бизнинг мамлакатимиз проблемасини, мамлакатимиз тарихи, унинг конкрет шароити қўйган проблемаларни ҳал этиш билан шуғулланди. Бироқ, ўз негизи, эътибори билан бу проблемалар маҳаллий проблемалар эмас, балки ижтимоий ривожланишнинг бориши бутун инсоният олдига қўйган муштарак проблемалар эди. Октябрь революциясининг жаҳоншумул тарихий аҳамияти ҳам шундаки, у мана шу проблемаларни ҳал қилиш ва шу тариқа ер юзида янги типдаги цивилизацияни барпо қилиш йўлини очиб берди.

Мамлакатимиз халқлари Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини байрам қилар эканлар, буюк Инқилоб инсоният тарихида, халқларимиз ҳаётида жуда катта социал ва сиёсий ўзгаришлар вужудга келтирганлигини, ленинча Коммунистик партия раҳбарлигида барча иттифоқчи республикалар, халқлар ва элатлар қанчалик юксалиб, ривожланиб, фаровон турмуш кечираётганликларини кувонч билан ёрқин тасаввур этадилар.

Олтмиш йил ичида жонажон Совет Ўзбекистони асрларга тенг келадиган қисқа, лекин жуда порлоқ тарихий йўлни босиб ўтди. Чор Россиясининг қолоқ ўлкаларидан бири бўлган ўлкамиз эндиликда Совет Шарқида машъалдек нур сочиб турибди. Унинг саноати, қишлоқ хўжалиги ва маданияти қисқа давр ичида бир неча капиталистик мамлакатлардан ўзиб кетди, тараққиётнинг чароғон коммунистик йўлидан олға бормоқда. Халқларимиз ҳаётида тубдан революцион ўзгаришлар юз берди. Янги шаҳарлар, обод ва кўркам қишлоқлар, қудратли саноат корхоналари, буюк иншоотлар қад кўтарди. Янги совет кишилари ўсиб, вояга етди. Эндиликда Совет Ўзбекистони индустриянинг, қишлоқ хўжалигининг ва маданиятнинг барча тармоқлари кенг тараққий этган ва ривож топган истиқболли республикалардан бирига айланди.

Октябрь! Каттадан-кичик ҳар бир инсон учун табаррук, муқаддас, севимли ва қадрдон бу сўз. Октябрь туфайли озод бўлдик, бахт топдик, порлоқ келажак сари бормоқдамиз. Октябрь туфайли биргина бизнинг мамлакатимизда эмас, социалистик йўлдан бораётган қон-қардошларимиз Ватанида ҳам тинчлик, шоду-хуррамлик, ёрқин ҳаёт ҳукм сурмоқда. Октябрнинг порлоқ нурлари бутун жаҳон бўйлаб ўз ёғдусини сочмоқда. Шу улуғ айём кунларда социал тенглик ва адолат принциплари қарор топганлигидан жаҳоннинг барча меҳнаткашлари ғоят миннатдорчилик билан юрак сўзларини ифода этмоқдалар.

Улуғ Октябрнинг халқаро миқёсдаги энг муҳим ғалабаларидан бири шундан иборатки, жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва ривожланди. Европа, Осиё, Америкада бир қанча зафарли социалистик революциялар Октябрь ғоялари ва ишларининг давоми бўлди. Жаҳон социализмининг практикаси кенгайди. Социалистик йўлга тушган мамлакатлар социалистик давлатчиликни, индустрияни ривожлантириш, деҳқонларни кооперативлаштириш, халқ оммасини ғоявий қайта тарбиялаш проблемаларини ўз олдиларига асосий вазифа қилиб қўймоқдалар.

Октябрь — миллионларнинг зафар байроғи, коммунизмнинг буюк ғалабаси! Барча совет кишилари сингари областимиз меҳнаткашлари ҳам улуғ айёмни меҳнатда, ижодда янги зафарлар билан нишонладилар. Республикамизнинг азамат пахтакорлари социалистик мажбуриятларини шараф билан бажарди, она-Ватанга 5 миллион 470 минг тоннага яқин «оқ олтин» етказиб бердилар. Бу улкан хирмонга пойтахт области заршуносларининг ҳам 440 минг тоннага яқин олтин дурдонаси ҳадя этилди. Республикамиз тарихида биринчи марта эришилган бу ғалаба — бутун йил бўйи қилинган қураш, меҳнат, жасорат, мардлик ва маҳоратнинг ажойиб самарасидир.

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев «оқ олтин»ни олтин қўллар яратади, деб пахтакорларимиз меҳнатига юксак баҳо берди. Улуғ айём арафасида Леонид Ильич Ўзбекистон деҳқонларини бу йилги улкан ғалаба билан қутлади: Сизларнинг давлатга дон, пахта, каноп, сабзавот, картошка, мева, узум, полиз маҳсулотлари, пилла сотиш юзасидан белгиланган планлар ва юксак социалистик мажбуриятларни бажарганлигингиз тўғрисидаги ахборотингизни зўр мамнуният ва ифтихор туйғуси билан ўқиб чиқдим. Бу — шонли юбилей — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига ажойиб совғадир, — дейилади табрик телеграммасида.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Олий Советининг Улуғ Октябрнинг 60 йиллигига бағишланган тантанали мажлиси ҳамда ўртоқ Л. И. Брежневнинг республика меҳнаткашларини меҳнатдаги ажойиб ютуқлари билан астойдил ва самимий табриклаб йўллаган мактубига бағишланган митинг халқимизнинг Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига буюк садоқати ва муҳаббатининг катта ва унутилмас ифодаси бўлди.

Бутун мамлакатимиздагидек, Совет Ўзбекистонида, унинг шонли пойтахтида Улуғ Октябрнинг шонли 60 йиллигига бағишланган умумхалқ тантанаси, байрам нашидаси, шоду-хуррамлик, қувонч ва севинч, шаҳар ва қишлоқларда, хонадонларда тўй ва тантана, қаҳрамонона меҳнат тароналари янграмоқда. Ҳамманинг қалби Октябрь ёғдусидан мунаввар. «Улуғ Октябрга шон-шарафлар бўлсин!», «Октябрь бизга бахт-саодат, ёрқин ҳаёт, порлоқ истиқбол сари чароғон йўл кўрсатди!». Бу сўзлар миллион-миллион кишилар қалбида баралла янграмоқда.

Байрамингиз муборак бўлсин, меҳнаткаш, ижодкор, баҳодир, қаҳрамон халқимиз! Улуғ Октябрнинг зафарли байроғи коммунизмнинг нурафшон чўққилари сари — келажак порлоқ ҳаёт сари ғолибона бошлаб боравермоқда.

Яшасин ХХ асрнинг асосий воқеаси, инсониятнинг капитализмдан социализмга жаҳоншумул тарихий бурилишини бошлаб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

Яшасин инсониятга порлоқ бахт-саодат йўлини кўрсатиб берган Улуғ Октябрь социалистик революцияси!

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси

ўртоқ Л. И. БРЕЖНЕВга

Азиз Леонид Ильич!

Биз, Ўзбекистон меҳнаткашлари намояндалари митингининг иштирокчилари давлатга 5 миллион 430 минг тонна пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан олинган социалистик мажбуриятларни республика бажарганлиги муносабати билан йўллаган табрикномангизда айтилган самимий сўзларингиздан ғоят таъсирланиб, қувонч ва мамнуният ҳисларига тўлиб-тошдик.

Азиз Леонид Ильич, меҳнатимизга бу қадар юксак баҳо берганингиз учун, ана шу ғалабани таъминлаган Ўзбекистон колхозчиларини, совхозларининг ишчиларини, қишлоқ хўжалиги ва сув хўжалиги мутахассисларини, саноат корхоналари коллективларини, партия, совет, касаба союз ва комсомол ходимларини, барча меҳнаткашларини самимий табриклаганлигингиз учун Сизга астойдил қизғин ташаккуримиз ва самимий миннатдорчилигимизни изҳор этишга руҳсат бергайсиз. Биз шунинг учун, чексиз миннатдорлик ва фахрланамизки, КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий Бюроси ва шахсан Сиз суғориладиган деҳқончиликни ривожлантиришга ҳамиша эътибор ва катта ёрдам бериб келмоқдасиз. Шу туфайли республиканинг пахтачиликдаги ва қишлоқ хўжалигининг бошқа тармоқларидаги ғалабасига эришиш мумкин бўлди.

Биздан ҳаммамиз шуни яхши тушунамизки, қўлга киритилган бу муваффақиятлар КПСС Марказий Комитети, Совет ҳукуматининг доно раҳбарлиги, жуда катта ишлари, шахсан Сизнинг ҳормай-толмай кўрсатаётган фаолиятингиз натижаси, партия аграр сиёсатини, КПСС XXV съезди қарорларини амалда рўёбга чиқариш натижасидир.

Сизнинг донгдор механизатор, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охуновага йўллаган машҳур хатингизда айтган қимматли маслаҳатларингиз пахта ҳосилини йиғиштириб олишни жадаллаштиришда жуда катта сафарбар этувчи роль ўйнади. Бу мактуб қишлоқ меҳнаткашларини оммавий меҳнат қаҳрамонлигига отлантирди. Механизаторларнинг мусобақаси мисли кўрилмаган даражада кенг қулоч ёзиб, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг барча участкаларини қамраб олди. Механизаторлар Ставрополь ўлкасидаги Ипатово районининг Сиз маъқуллаган тажрибасидан кенг фойдаландилар, бу эса йиғим-терим техникасидан юксак унумли фойдаланиш, биринчи марта 3 миллион 270 минг тонна пахтани — тайёрланган бутун ҳосилнинг 60 процентини машиналарда териб олиш имкониятини берди. Худди шу туфайли пахта етиштириш юзасидан олинган социалистик мажбуриятлар бултургидан бир ой илгари бажарилди. Леонид Ильич, доно маслаҳатларингиз ва йўл-йўриқларингиз учун Сизга чин қўнгилимиздан сира бир марта қизғин ташаккуримиз ва миннатдорчилигимизни изҳор этишга руҳсат бергайсиз.

Азиз Леонид Ильич!

Сиз меҳнатимизга берган юксак баҳо зиммамизга кўпгина мажбуриятлар юклашини яхши биламиз. Шунинг учун ҳам Сизни ишонтириб айтамизки, тарихий воқеалар — Улуғ Октябрнинг 60 йиллиги, СССР янги Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва қабул қилиниши туфайли жўш урган меҳнат ғайрати сира бўшашмайди. КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг тантанали мажлиси, Сизнинг ана шу мажлисда қилган ғоят таъсирли докладингиз ижодий куч-ғайратни янада ошириб юборди. Қишлоқ меҳнат аҳли мана шу тарихий Октябрь олди кунларида етиштирилган ҳосилнинг ҳаммасини йиғиштириб олиш учун курашни ғайратга-ғайрат қўшган ҳолда давом эттирмоқда. Ерни шудгорлаш ва кузги ғалла экинларини экиш, 1978 йил ҳосили учун бошқа кузги-қишки тадбирларни амалга оширишда, чорва қишловини уюшқоқлик билан ўтказиш соҳасидаги ишлар ҳамма жойда авж олдириб юборилди.

Биз, митинг иштирокчилари Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашлари номидан жонажон Коммунистик партиямизни, унинг ленинчи Марказий Комитетини ва азиз Леонид Ильич, шахсан Сизни ишонтириб айтамизки, ўзимизнинг бутун билимимизни, бутун тажрибамизни, қалбимиз ҳароратини КПСС XXV съезди тарихий режаларини, коммунистик қурилиш улуғвор планларини амалга оширишда ишга бағишлаймиз.

Азиз Леонид Ильич, Сизга сиҳат-саломатлик, узоқ умр ва Ватанимизнинг бахт-саодати, гуллаб-яшнаши, ер юзида мустаҳкам тинчликни таъминлаш йўлида самарали ишлашингизни тилаймиз.

1977 йил 5 ноябрь куни Ўзбекистон меҳнаткашлари намояндаларининг митингида қабул қилинган.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ИШГА ТУШДИ

«В. И. Ленин номли майдон» станциясида тантанали митинг

6 ноябрь куни Тошкент метрополитенининг дастлабки пассажирлари минг-минглаб чироғлар билан нурафшон, мармар ва гранитдан ясалган тўққиз саройга ифтихор ҳисси билан қадам қўйдилар. Энг яхши метросозлар, фойдаланувчилар, жамоатчилик намоёндалари, Ўзбекистон пойтахтининг пионер ва ўқувчилари олтита махсус поездга тушиб бутун линия бўйлаб саёҳат қилдилар.

Метронинг биринчи участкаси—Тошкентга ажойиб совғадир! Метрони барпо этишда иштирок этган коллективлар Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини муносиб кутиб олиш учун ўз зиммаларига олган социалистик мажбуриятларини шараф билан бажардилар. «Ер ости электричкаси» Тошкент шаҳрининг аҳоли зич бўлган жануби-ғарбий районларини пойтахтнинг маркази билан туташтирди. Шаҳар транспортининг энг тез юрар ва қулай бу тури 12,2 километр масофани тўққиз минут ичида босиб ўтиш имконини беради. Линияда қурилиш ва ишга тушириш-созлаш ишлари планда кўрсатилгандан ўн уч ой илгари бажарилди. Давлат комиссияси Тошкент метросига энг юқори баҳо «аъло» баҳо қўйди. КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев қурувчилар, проходкачилар, монтажчилар, фойдаланувчилар, партия, касаба союз, комсомол ташкилотлари, қурилишнинг барча иштирокчиларини эришилган меҳнат ғалабаси билан қизғин ва самимий табриклади.

Метронинг «В. И. Ленин номли майдон» станциясида ана шу шодиёна воқеага бағишланиб тантанали митинг бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар партия комитетининг биринчи секретари А. А. Хўжаев митингни очди.

(Давоми 3-бетда).

ЭСДАЛИК БАЙРОҒИ ТОПШИРИЛДИ

Кеча Янгибозорда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Эсдалик байроғи Юқори Чирчиқ районига топширилишига бағишланган тантанали митинг бўлиб ўтди.

Эсдалик байроғини район вакилларига Тошкент область партия комитетининг биринчи секретари М. М. Мусахонов топширди.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

БУТУНИТТИФОҚ СОЦИАЛИСТИК МУСОБАҚАСИ ИЛҒОРЛАРИГА МЕҲНАТДАГИ ЖУДА КАТТА ЮТУҚЛАРИ УЧУН 1977 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети билан СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги фан ва техника соҳасидаги Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти Комитетининг ҳамда касаба союзлари Бутуниттифоқ Марказий Советининг тақдимномасини кўриб чиқиб, 1977 йилги СССР Давлат мукофотларини қуйидагиларга беришга **қарор қиладилар:**

1. **С. Оржоникидзе** номидаги рангли металларни қайта ишлаш Кольчугино заводининг вальцовкачиси Михаил Савельевич **Алпаткина**, Братск алюминий заводи электролизчилар бригадири Алексей Иванович **Свиридонова**, Ф. Э. Дзержинский номидаги Сорск молибден комбинатининг экскаватор-машинисти Олег Николаевич **Федурова**, «Якутэлото» ишлаб чиқариш бирлашмаси Депутатский қалайи қазиш кон-саралаш комбинати комплекс бригадасининг бошлиғи Владимир Иванович **Грива**ган, А. П. Завенягин номидаги Норильск кон-металлургия комбинати проходкачилар бригадасининг бошлиғи Евгений Петрович **Асташина**ган, М. И. Калинин номидаги Белорецк металлургия комбинатининг симкаши Исмагил Хамитович **Ахтямова**, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номидаги Никополь Южнотрубний заводининг вальцовкачиси Павел Григорьевич **Белийга**, В. И. Ленин номидаги Сэколов-Сарбай кон-саралаш комбинати экскаваторчилар бригадасининг бошлиғи Николай Фёдорович **Дерепа**га, В. И. Ленин номидаги Нижний Тагил металлургия комбинатининг катта пўлат эритувчиси Владимир Антонович **Журавлева**, Коммунарск металлургия заводининг пўлат эритувчиси Александр Михайлович **Качалова**, И. Ф. Тевосян номидаги «Электросталь» электрометаллургия заводининг пўлат эритувчиси Анатолий Романович **Коротенькова**, В. И. Ленин номидаги Магнитогорск металлургия комбинатининг тог ишчиси Иван Петрович **Папушага** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, ишлаб чиқариш ҳажмини барвақт ўзлаштириш, янги техника ва илғор технологияни жорий этиш асосида металлургия ишлаб чиқаришни самарадорлигини анча оширганликлари учун.

2. Владимир Ильич номидаги Москва электр-механика заводининг ходимлари — темирчилар бригадири Николай Васильевич **Метелкина**, токарлар бригадири Иван Григорьевич **Амосова**, йиғувчи-слесарлар бригадири Николай Петрович **Кузнецова**, «Свердловэнерго» бошқармаси Рефтинск ГРЭСи энергетика блокининг машинисти Петр Николаевич **Рослякова**, «Севзапэнергомонтаж» трести шимолий ТЭЦдаги монтаж участкаси комплекс бригадасининг бошлиғи Владимир Ильич **Смоляков**га, С. М. Киров номидаги «Электросила» Ленинград электр машинасозлиги бирлашмасининг каруселчи-токарлар бригадири Павел Васильевич **Иванова**, Сибирь оғир электр машинасозлиги каруселчи-токарлар бригадири Александр Алексеевич **Дубчакка**, Нововоронеж атом электр станциясининг ходимлари Александр Иванович **Шамова**, Вячеслав Михайлович **Грачева**, Андрей Васильевич **Тарасенка**га, Юрий Иванович **Фоминих**га, Анатолий Геннадиевич **Куракина** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, энергетика ва электротехника саноати ишлаб чиқариш самарадорлигини анча оширганликлари ва ташаббуслари учун.

3. Оржоникидзе номидаги Муром заводининг токари Анатолий Иванович **Курилева**, «Тяжстанкогидропресс» заводининг ходимлари — Анатолий Иванович **Литвинова**, Юрий Иванович **Зиновьева**, Владимир Иванович **Хвостова**, Саратов станоксозлик заводининг токари Иван Михайлович **Яковлева**, Серго Оржоникидзе номидаги Москва станоксозлик заводининг шлифовкачиси Василий Иванович **Ледовских**га, В. И. Ленин номидаги Одесса радиал-пармалаш станоклари заводининг чархловчи-токари Иван Алексеевич **Рябоконя**, А. И. Ефремов номидаги Москва «Красный пролетарий» станоксозлик заводининг йўнувчиси Иннокентий Иванович **Мальцева**, Новозибков станоксозлик заводининг фрезерчиси Вячеслав Владимирович **Коломнеца**, механика заводининг ходимлари — Григорий Николаевич **Князева**, Николай Степанович **Шмелева**, Владимир Дмитриевич **Марюшкина** — меҳнат унумдорлигини жадал ўстириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш, техникадан ва ишлаб чиқаришнинг бошқа резервларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш юзасидан шахсий ва бригада муқобил планлари асосида меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун.

4. Донецк кўмир қазиш ишлаб чиқариш бирлашмаси Е. Т. Абакумов номли шахтасининг бош механиги Карп Васильевич **Аверьянова**, шу бирлашма «Октябрьское» шахта бошқармаси кон ўйиш машиналарининг машинисти Александр Екимович **Николаева**, С. М. Киров номидаги Копейск машинасозлик заводининг ходимлари — токарь Юрий Егорович **Купричева**, махсус конструкторлик бюросининг бошлиғи Евгений Иванович **Киселева**, Қарағанда кўмир қазиш ишлаб чиқариш бирлашмаси «Молодежная» шахтаси комплекс бригадасининг бошлиғи Виктор Петрович **Бабичга**, шу бирлашма Костенко номидаги шахтасининг кон ўйиш машиналари машинисти Алтайбек **Жанайдарова**, «Северная» шахтасининг участка бошлиғи Александр Кузьмич **Романюта**га, Узоқ Шарқ кўмир қазиш ишлаб чиқариш бирлашмаси «Юго-западный» разрезининг экскаватор-машинисти Николай Сергеевич **Лексинга**, «Кемеровоуголь» ишлаб чиқариш бирлашмаси Краснобродский автобазаси ағдарма машинасининг ҳайдовчиси Сергей Петрович **Сарапулова**, шу бирлашма «Краснобродский» разрезининг экскаватор-машинисти Василий Васильевич **Французенко**га, «Харьков нефтегазразведка» трести Красноградск нефть-газ разведка экспедициясининг катта пармалаш мастери Михаил Дмитриевич **Аврамеца**, Сосновск экспедицияси конковлаш бригадасининг бошлиғи Алексей Андреевич **Полякова** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, ишлаб чиқариш жараёнларини жадаллаштириш ҳамда кон ва пармалаш техникасидан роят тўла-тўкис фойдаланиш асосида ёқилғи-энергетика ресурсларини кўпайтириш ва ишлаб чиқариш самарадорлигини анча ошириш соҳасидаги ижодий активликлари ва ташаббуслари учун.

5. В. И. Ленин номидаги «Химволокно» Балаково ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳимиявий толани шакллантириш аппаратчиси Лидия Алексеевна **Вахнина**га, Горький кидаги «Орбита» заводининг қирқувчиси Анна Ивановна **Безрукова**га, «Русский лес» тажриба-ишлаб чиқариш ўрмон хўжалигини бирлашмаси комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Афанасьевич **Фефелова**га, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги геодезия ва картография 5-бош бошқармаси корхонасининг катта топографи Николай Петрович **Терешченко**га, «Вологдалеспром» Бутуниттифоқ ўрмон саноати бирлашмаси Монзенск ўрмончилик хўжалиги ёйиқлаштирилган ёғоч тайёрлаш бригадасининг бошлиғи Анатолий Анатольевич **Алексеева**, «Иркутсклеспром» Бутуниттифоқ ўрмон саноати бирлашмаси «Земинсклес» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ёйиқлаштирилган ёғоч тайёрлаш бригадаси бошлиғи Николай Степанович **Дедова**га, «Костромалеспром» Бутуниттифоқ ўрмон саноати бирлашмаси Зебляковск ўрмончилик хўжалиги ёйиқлаштирилган комплекс бригадасининг бошлиғи Геннадий Александрович **Худякова**га, «Союзхимлес» Бутуниттифоқ саноат бирлашмаси Свердловск ишлаб чиқариш ўрмон химияси бирлашмасининг Красногвардейск тажриба-намуна химия ўрмон хўжалигининг ишчиси Зинаида Егоровна **Костилева**га, Мукачево мебель комбинатининг станокчилар бригадири Василий Михайлович **Яцюга**, Навоий кон-металлургия комбинатининг ходимлари — Николай Иванович **Болотова**, Георгий Николаевич **Семенова** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, ишлаб чиқариш технологиясини ва меҳнатнинг ташкил этилишини такомиллаштириш, асбоб-ускуналарни модернизациялаш ва техникадан янада самарали фойдаланиш асосида меҳнат унумдорлигини анча оширганликлари учун.

6. Ленин комсомоли номли завод йиғувчи-слесарларининг бригадири Петр Григорьевич **Валова**, «Ленинская кузница» заводи монтажчи-слесарларининг бригадири Николай Романович **Молодченкога**, машинасозлик заводининг ходимлари — Василий Иванович **Колкова**, Владимир Александрович **Макарова**, Раиса Ивановна **Ивашченка**га, Раиса Якимовна **Осипова**га, Фавзия Гиниятовна **Нигматуллина**га, Антонина Федоровна **Баришева**га, Ф. Э. Дзержинский номидаги Волгоград трактор заводининг ходимлари — созловчи Иван Дорофеевич **Александрова**, йиғувчи-слесарлар бригадири Раиса Николаевна **Батищева**га, штамповкачи темирчилар бригадири Адольф Васильевич **Пузанова**га, қолипловчи Иван Степанович **Калмикова**га — меҳнат жараёнларини комплекс такомиллаштириш, турдош касбларни эгаллаш, меҳнатни ташкил этишнинг илғор методлари ва формаларини жорий этиш асосида меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун,

7. «Красный Октябрь» Москва кондитер фабрикаси карамелчилар бригадири Александра Андреевна **Белова**га, Решетиха ип ўраштўр тўқиш фабрикасининг тўр тўқувчиси Нина Михайловна **Агеева**га, Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 50 йиллиги номидаги Ворошиловград ишлаб чиқариш бирлашмасининг бичиқчиси Екатерина Григорьевна **Житника**, «Буревестник» Москва ишлаб чиқариш пойафзал бирлашмасининг пойафзал ишчиси Юрий Владимирович **Агафонова**, Ленинград ишлаб чиқариш чарм бирлашмасининг «Марксист» чарм-жабдиқ комбинати чарммўйна хом ашёси рандаловчиси Николай Сергеевич **Васильева**, «Большевичка» Москва ишлаб чиқариш тикувчилик бирлашмасининг қўлда кийим тикувчиси Вера Степановна **Гриднева**га, К. Н. Николаева номидаги Орехово ип газлама комбинатининг йигирувчиси Валентина Егоровна **Локтева**га, «Балтийская мануфактура» комбинатининг тўқувчиси Зинаида Федоровна **Агафонова**га, Киргизистон камвол-мовут комбинатининг йигирувчиси Надежда Сергеевна **Лавскаяга**, Вязники зиғир тола комбинатининг тўқувчиси Римма Александровна **Гаврилова**га, Ростов ишлаб чиқариш трикотаж бирлашмаси Ростов пайпоқ фабрикасининг мастер ёрдамчиси Виктор Георгиевич **Загребельний**га, «Красный богатырь» Москва ишлаб чиқариш бирлашмаси резина пойафзал елимловчилари бригадири Татьяна Васильевна **Агафонова**га — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун ҳамда хизмат қилиш зонасини кенгайтириш, иқтисодий тежашни таъминлаш асосида халқ истеъмол қиладиган моллар ишлаб чиқаришни кўпайтириш ва сифатини яхшилаш учун ўтказилган мусобақани ривожлантиришдаги ташаббуслари учун.

8. Волжскдаги «Волготанкер» нефть қуйиш пароходчилигига қарашли «Герой Н. Вилков» теплоходининг 3-штурман-механиги Павел Иванович **Островерхова**, Балтика денгиз пароходчилиги «Магнитогорск» теплоходининг катта механиги Владимир Кириллович **Швецова**, Қора денгиз пароходчилиги «Медногорск» теплоходининг механиги Виталий Васильевич **Николаева**кога, Новороссийск денгиз пароходчилиги «Будапешт» турбоходининг катта механиги Георгий Павлович **Тендитний**га, Шимолий денгиз пароходчилиги «Волга» теплоходининг катта механиги Геннадий Михайлович **Ушакова**га, Шимолий Кавказ территориал транспорт бошқармаси 1194-автоколоннаси автомобиль ҳайдовчилари бригадири Виктор Николаевич **Носачева**, Горький 1-пассажир автотранспорт корхонаси автобус ҳайдовчиларининг бригадири Василий Федорович **Шкилева**, Одесса—Кишинев темир йўли Ильичевск станциясининг ходимлари — маневр диспетчери Владимир Григорьевич **Курийга**, поезд тузувчиси Александр Николаевич **Калинчукка**, катта қабул қилувчи-топширувчилар Вера Федоровна **Филипенко**га, Агафия Ильинична **Быковага** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун ҳамда сув, автомобиль ва темир йўл транспортида иш самарадорлигини ва сифатини ошириш учун ўтказилган социалистик мусобақани ривожлантиришдаги ташаббуслари учун.

9. Серго Оржоникидзе номли Уральск оғир машинасозлик заводи комплекс бригадаларининг бошлиқлари Анатолий Александрович **Токминова**, Александр Иванович **Храмцова**. В. Д. Шашин номидаги «Татнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси пармалаш ишлари Азнакаев бошқармасининг пармалаш мастери Матвей Петрович **Гринга**. «Главтюменнефтегаз» Бош бошқармасига қарашли «Сургутнефтегаз» ишлаб чиқариш бирлашмаси Сургут вишка-монтаж бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Николай Иванович **Литовченкога**. «Башнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси пармалаш ишлари Нефтекамск бошқармаси вишка монтажчилар бригадири Қаюм Гимазетдинович **Ихинга**, «Башнефть» ишлаб чиқариш бирлашмаси «Чекмагушнефть» нефть-газ қазиб чиқариш бошқармаси кон-қудуқларини ер остида ремонт қилиш мастери Асхат Гиниятович **Басирова**, Усть-Илим ГЭСи қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Михаил Александрович **Васильева**, «Спецгидроэнергомонтаж» Бутуниттифоқ трести Братск монтаж участкасининг монтажчи-слесарлар бригадири Михаил Васильевич **Беляева**, Ф. Э. Дзержинский номидаги Балахна целлюлоза-қоғоз комбинатининг ходимлари — машинист-бригадир Евстафий Иванович **Березина**, қуритувчи Николай Адамович **Яцкова**. Клайпеда целлюлоза-картон заводининг машинист-бригадири Анатолий Алексеевич **Бушуева**— меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, ишлаб чиқариш қувватларини муддатидан илгари ўзлаштириш ва улардан максимал фойдаланиш, ишчилар билан мутахассисларнинг ижодий ҳамдўстлигини кучайтириш йўлидаги социалистик мусобақани авж олдиришдаги ташаббуслари учун.

10. «Главмостострой» 6-кўприк қурилиши трести 19-кўприк отряди комплекс бригадасининг бошлиғи Василий Лукич **Александрова**, Москва давлат 26-қурилиш-монтаж трестига қарашли 93-қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Алексей Дмитриевич **Басова**, Бендера қурилиш трести 80-Варница механизациялашган кўчма колоннасининг комплекс бригада бошлиғи Михаил Александрович **Бубякина**, «Главнефтемонтаж» 7-ихтисослаштирилган трести Москва монтаж бошқармасининг монтажчи-слесарлар бригадири Василий Иванович **Жаворонкова**, «Черкасхимстрой» трести 25-қурилиш-монтаж бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи Василий Макарович **Заболотний**га, «Ворошиловградхимстрой» комбинати «Отделстрой» ихтисослаштирилган қурилиш бошқармаси суворқилиш станцияси экипажининг бригадири Мария Павловна **Калужная**га, Чувашия территориал қурилиш бошқармаси «Спецстроймеханизация» трестига қарашли 3-механизация бошқармасининг экскаватор-машинисти Иван Германович **Кольцова**, Москва шаҳар қурилиш бошқармаси комплекс бригадасининг бошлиғи Иван Васильевич **Савотикова**. Олмаота уйсозлик комбинати 2-қурилиш-монтаж бошқармасининг монтажчилар бригадири Даўлетбек **Сатаева**. «Бамстроймеханизация» трести 94-механизациялашган колоннасининг комплекс бригада бошлиғи Николай Кириллович **Синкевича**. «Главмосстрой» 1-уйсозлик комбинати 5-монтаж бошқармасининг комплекс бригада бошлиғи Анатолий Михеевич **Суровцева** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, комплекс механизациялаш, техника ва илғор тажрибадан самарали фойдаланиш асосида қурилиш ишлари самарадорлигини ва сифатини анча оширганликлари учун.

11. «Главленстройматериал»нинг «Баррикада» ишлаб чиқариш бирлашмаси арматурачилар бригадири Леонид Михайлович Брянюкка. СССР 50 йиллиги номли Акмян цемент-шифер комбинати айланма печларининг машинисти Станисловас Винцентович **Венцкуса**, Калинин 2-бинокорлик материаллари комбинатининг прессчи-оператори Мария Андреевна **Ершова**га. Бескудниковдаги 1-бинокорлик материаллари ва конструкциялари комбинатининг комплекс бригада бошлиғи Владимир Григорьевич **Завдовьева**. Минск иситгич ускуналар заводининг қуймани қолипдан туширувчиси Владимир Романович **Колоса**. «Главвостокцемент»нинг «Сухоложскцемент» комбинати айланма печлари машинисти Герман Дмитриевич **Коновалова**. Славянка керамика комбинатининг сайқалчиси Николай Зиновьевич **Куриленкога**. Улуғ Октябрь 50 йиллиги номидаги Клинск «Стройиндустрия» комбинатининг слесари Юрий Николаевич **Лаврентьева**, Волгоград «Железобетон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг комплекс бригада бошлиғи Анатолий Васильевич **Макарова**, Белгород асбест цемент буюмлар комбинати лист қолиплаш машинасининг машинисти Анатолий Иосифович **Мерешченка**га, Саратов техникавий ойна заводи машинистларининг бригадири Александр Семенович **Селифонова**. Оржоникидзе номидаги Челябинск металл конструкциялар заводининг слесари Леонид Максимович **Шабалкога**. Саратов техникавий ойна заводи машинистларининг бригадири Александр Семенович **Селифонова**. Оржоникидзе номидаги Челябинск металл конструкциялар заводининг слесари Леонид Максимович **Шабалкин**га — бинокорлик материаллари саноати ва қурилиш индустрияси корхоналарида ишлаб чиқаришни интенсивлаш, янги техника ва илғор тажрибани жорий этиш асосида меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун.

12. Олтой ўлкаси Петропавловск районидаги Ленин номли колхоз комплекс бригада бошлиғи Виктор Матвеевич **Трапезникова**, Краснодар ўлкаси Абинск районидаги «Искра» колхозининг комбайнчиси Николай Алексеандрович **Лиферова**. Воронеж области Талов районидаги Калинин номли колхозининг механизациялашган звеноси бошлиғи Николай Васильевич **Королева**. Кострома область Красное Село районидаги «Красний Прибой» колхозининг трактордалачилик бригадаси бошлиғи Евгений Григорьевич **Плетневский**га, Ростов область Семикаракорский районидаги «Золотаревский» совхозининг комплекс механизациялашган звеноси бошлиғи Раиса Федоровна **Горожаева**га. Чувашия АССР «Сельхозтехника» Чебоксари район бирлашмасининг темирчиси Валентин Николаевич **Сорокина**. Ровно областидаги «Полесьеводстрой» трестига қарашли 66-кўчма механизациялашган колонна экскаватор машинисти Антон Петрович **Зиглевский**га. Харьков область Краснокутский районидаги Ленин номли колхоз механизациялашган звено бошлиғи Иван Иванович **Тягно**га. Херсон область Белозерский районидаги «Ингулец» совхозининг механизациялашган звено бошлиғи Александр Васильевич **Корчинский**га. Черкигов область Нежин районидаги Шчорс номли колхозининг механизациялашган звено бошлиғи Иван Ильич **Переверга**. Могилев область Кричевский районидаги «Память Ленина» колхозининг механизациялашган звено бошлиғи Михаил Михайлович **Алексеенка**га. Толдиқўрғон область Киров районидаги «Енбешкш» совхозининг лавлагикорлик звеноси бошлиғи Битай **Татеновага**—меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, шоли, маккажўхори, гречиха, қанд лавлаги, зиғир пояси етиштиришда, деҳқончилик маданиятини анча оширишни таъминловчи илмий-тадқиқот натижаларидан кенг фойдаланганликлари ва илғор тажрибани жорий этганликлари, техникадан самарали фойдаланганликлари ҳамда шу асосда қишлоқ хўжалик маҳсулоти етиштиришни кўпайтирганликлари ва мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришдаги ташаббуслари учун.

13. Краснодар ўлка ғалла маҳсулотлари бошқармаси Славянский элеваторининг дон қуритиш мастери Виталий Лукьянович **Грязнова**га. Ставрополь ўлкаси Предгорний районидаги Ильин номли колхоз трактор бригадаси бошлиғининг ёрдамчиси Василий Павлович **Жукова**. Куйбишев область. Большой Черниров районидаги «Степной маяк» колхозининг комбайнчиси Александр Павлович **Розвезева**, Оренбург область Беляев районидаги Ленин номли совхозининг тракторчи-машинисти Владимир Максимович **Воронина**. Кўкчетов область Қизилтув районидаги «Озерний» совхозининг тракторчи-комбайнчиси Анатолий Федорович **Стецюка**. Кустанай область ғалла маҳсулотлари бошқармаси Урицкий элеваторининг дон қуритиш мастери Екатерина Семеновна **Казакова**га. «Казсельхозтехника» республика бирлашмаси ремонт корхоналари трестининг Отбосар ремонт-механика заводи слесарлари бригадири Василий Григорьевич **Самокишина**га — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, илмий-тадқиқот натижаларини жадал ўлкаларидан кенг фойдаланганликлари, деҳқончилик маданиятини оширганликлари, техникадан самарали фойдаланганликлари, шу йўл билан дон етиштиришни анча кўпайтирганликлари ва мураббийлик ҳаракатини ривожлантиришдаги ташаббуслари учун.

14. Олтой ўлкаси Курьинский районидаги СССР 50 йиллиги номли давлат наслчилик заводининг бош чўпони Андрей Яковлевич **Лигостаева**. Ленинград область. Луга районидаги Даржинский номли совхозининг сут соғувчиси Екатерина Ефимовна **Алексеева**. Магадан область Иультинский районидаги «Возрождение» совхозининг буғучилик бригадаси бошлиғи Владимир Ильич **Ровтытагина**. Москва области Ленин районидаги В. И. Ленин номли тажрибанамуна совхозининг машинада сут соғиш операторн Надежда Михайловна **Карпец**га. Омск область Омск районидаги «Лузинский» совхозининг чўчқа боқиш оператори Владимир Васильевич **Чернакова**, Пенза область Кузнецкий районидаги Махалин номли совхозининг машинада сут соғиш операторн Антонина Степановна **Стальнова**га, Киев области Бело Церковь районидаги «Терезино» тажриба хўжалигининг машинада сут соғиш операторн Мария Яковлевна **Засухага**, Гродно области Вороновский районидаги «Погородно» эксперименталь базасининг машинада сут соғиш операторн Алина Брониславовна **Шадюльга**. Киргизистон ССР Ленин йўли районидаги «Бейшеке» колхозининг бош чўпони Базилбек **Айтбаева**га, Литва ССР Ионишке районидаги «Барюнай» колхозининг сут соғувчиси Иева Болесловна **Глинскена**га. Латвия ССР Бау районидаги «Узвара» колхозининг чўчқа боқиш оператори Арнольд Теодорович **Салмина**га, Эстония ССР Тарту районидаги СССР 50 йиллиги номли «Тарту» тажриба-намуна совхозининг сут соғувчиси Розалия Ивановна **Кирьянена**га — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, илмий-тадқиқотларнинг натижаларидан ва илғор тажрибадан кенг фойдаланиб, шу йўл билан чорвачилик маҳсулоти етиштириш самарадорлиги ва сифатини анча оширишни таъминлаганликлари учун.

15. «Ленмелиорация» бирлашмаси 6-Колтуш кўчма механизациялашган колоннасининг экскаватор машинисти Леонид Леонидович **Вишнева**, Днепропетровск области Днепропетровский районидаги «Днипро» совхозининг сабзавотчилик бригадаси бошлиғи Марфа Ивановна **Половинка**га. Житомир области Народичи районидаги «Заря коммунизма» колхозининг механизациялашган звено бошлиғи Николай Григорьевич **Кравченкога**, Черновци областидаги Глимок ем-хашак етиштириш хўжаликлараро комбинатининг монтажчи-слесарлар бригадири Василий Иванович **Куликовскийга**. «Каршиторф» бошқармаси «Водстрой» трестига қарашли 13-механизациялашган ишлар бошқармасининг бульдозерчилар бригадири Аъзам **Азимхонова**, Сурхондарё области Ленин йўли районидаги С. М. Будённий номли совхоз пахтачилик бригадасининг бошлиғи Холмўмин **Сапарова**, Грузия ССР Гуржаан районидаги Калинин номли колхоз узумчилик бригадасининг бошлиғи Гиви Ильич **Кенкишвили**га. Озарбайжон ССР Белокан районидаги С. Оржоникидзе номли колхоз тамакикорлик бригадасининг бошлиғи Халил Гардаш ўғли **Эфендиева**, Молдавия ССР Котовский районидаги «Друмул Ленинист» колхозининг узумчилик бригадаси бошлиғи Илья Агапович **Колеца**. Тожикистон ССР Шаҳритуз районидаги «Пахтакор» колхози пахтачилик бригадасининг бошлиғи Бекмурод **Сафарова**, Арманистон ССР Арташат районидаги «Парижская Коммуна» колхози узумчилик-сабзавотчилик бригадасининг бошлиғи Парўйру Меликсетович **Овнатанянга**. Мари область, Мари районидаги «Ашхобод» колхозининг пахтачилик бригадаси бошлиғи Бойжон **Атабаева** — меҳнатдаги жуда катта ютуқлари учун, иш самарадорлиги ва сифатини анча ошириб, шу асосда сабзавот, картошка, узум, пахта, тамаки ва ем-хашак экинларидан мўл ҳосил олганликлари учун.

КПСС Марказий Комитети Секретари
Л. БРЕЖНЕВ

СССР Министрлар Совети Раиси
А. КОСИГИН.

СССР МУДОФАА МИНИСТРИНИНГ БУЙРУҒИ

1977 йил 7 ноябрь **№ 280** **Москва шаҳри**

Солдат ва матрос, сержант ва старшина ўртоқлар!

Прапоршчик ва мичман ўртоқлар!

Офицер, генерал ва адмирал ўртоқлар!

Совет Қуролли Кучларининг ветеранлари ўртоқлар!

Совет халқи ва унинг Қуролли Кучлари, «Социалистик ҳамдўстлик мамлакатларининг меҳнаткашлари бутун тараққийпарвар инсоният бугун Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини тантанали вазиятда байрам қиладилар.

Мамлакатимизнинг ишчилари ва деҳқонлари 1917 йил октябрида В. И. Ленин бошчилигидаги Коммунистик партия раҳбарлигида тарихда биринчи марта музаффар социалистик революцияни амалга оширдилар. Бизнинг Ватанимиз ўтган олтмиш йил мобайнида иқтисодиёт, фан ва маданиятни ривожлантиришда, меҳнаткашларнинг турмуш даражасини оширишда жаҳоншумул-тарихий муваффақиятларга эришди. Мамлакатимизда ривожланган социализм жамияти барпо этилганлиги совет халқи фидокорона меҳнатининг энг муҳим якуни бўлди. Ривожланган социализм жамияти социал тараққиётнинг олий ютуғи, халқлар ўртасида тинчлик ва дўстлик таянчидир. Бу вазифани жаҳон империализмининг социалистик давлатни қурол кучи билан йўқотиш учун бир неча бор қилган уринишларини даф қилиб, бениҳоя оғир вазиятда ҳал этишга тўғри келди.

Совет халқи ҳозирги пайтда КПСС XXV съездининг тарихий қарорларига амал қилиб, ўнинчи беш йилликнинг улуғвор планларини амалга ошириш учун баланд руҳ билан меҳнат қилмоқда.

СССР янги Конституциясининг умумхалқ муҳокамаси ва унинг қабул қилиниши совет кишиларининг армия ва флот жангчиларининг сиёсий активлиги ва меҳнат ғайратини мисли сиз юксалтирган қудратли омил бўлиб қолди. СССРнинг янги Конституцияси халқимизнинг буюк революцион ғалабаларини мустаҳкамлаб берди ва социалистик демократиянинг — чинакам халқ ҳокимиятининг буюк ижодий имкониятларини рўёбга чиқарди.

Ишчилар синфи, колхозчи деҳқонлар ва халқ зиёлилари Октябрнинг 60 йиллигини беш йиллик планни муваффақиятли бажариш, ишлаб чиқариш самарадорлигини ва иш сифатини ошириш учун социалистик мусобақада, фан, техника ва маданиятни ривожлантиришда янгидан-янги муваффақиятлар билан нишонладилар. Халқ фаровонлиги муттасил юксалиб бормоқда. Совет Иттифоқининг иқтисодий ва мудофаа қудрати мустаҳкамланмоқда.

Улуғ Октябрь социалистик революцияси бутун жаҳонда ҳамма соҳани қамраб олган чуқур социал ўзгаришларга асос қўйди. Бу революциянинг таъсири билан қардош социалистик мамлакатларнинг ҳамдўстлиги вужудга келди ва мустаҳкамланди. капитализм мамлакатларидаги меҳнаткашларнинг эксплуатацияга, монополиялар зўравонлигига қарши, демократия ва социализм учун олиб бораётган кураши янада кенг қулоч ёйди. Империализмнинг мустамлакачилик системаси емирилди. Жаҳон коммунистик ҳаракатининг позициялари мустаҳкамланди.

КПСС ва Совет давлати қардош социализм мамлакатлари билан биргаликда тинчлик сиёсатини изчиллик билан амалга оширмоқдалар. Жаҳондаги барча тараққийпарвар кишилар КПСС ленинчи Марказий Комитетининг, Марказий Комитет Сиёсий бюросининг, КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневнинг халқлар тинчлиги ва хавфсизлигини мустаҳкамлашга қаратилган ҳамда халқаро муносабатларни ривожлантиришда муҳим ижобий ўзгаришларга олиб келган доно, собитқадам фаолиятига юксак баҳо бермоқдалар.

Айни вақтда империализм ва реакция кескинликнинг юмшатилишига ҳалақит бериш учун интилмоқда. Улар қуролланиш пойгасининг янги босқичини кучайтирмоқдалар, ялпи қирғин воситалари ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқдалар, Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга қарши идеологик диверсияларни уюштирмоқдалар, бу мамлакатларнинг ички ишларига аралашишга уринмоқдалар.

Бундай шароитда Коммунистик партия ва Совет давлати ўзининг ташқи сиёсатида тинчтотув яшаш принципларини тобора қатъий қимоя қилмоқдалар, социализм мамлакатлари билан ва ер юзида тинчлик ҳамда тараққийпарвар барча кучлари билан қардошларча алоқаларни қар томонлама мустаҳкамламоқдалар, совет халқини Ленин партияси теварагига янада маҳкам жипслаштириш учун ҳамма чораларни кўрмоқдалар, мамлакатнинг мудофаа қобилиятини янада мустаҳкамлаш, СССР Қуролли Кучларини такомиллаштириш учун зарур бўлган ҳамма тадбирларни амалга оширмоқдалар.

Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флоти ўзининг муқаддас бурчини шараф билан бажармоқда, Улуғ Октябрь ғалабаларини, совет халқининг тинч меҳнатини сергаклик билан қўриқламоқда. Жонажон Коммунистик партия теварагига маҳкам жипслашган, ўз халқига, коммунизм ишига чексиз содиқ бўлган совет жангчилари Варшава Шартномасида қатнашувчи мамлакатларнинг армиялари билан ягона жанговар сафда бўлиб, ҳамиша жанговар тайёр ҳолда турибдилар. Бундай тайёргарлик ҳар қандай агрессорга дарҳол зарба бериш гаровидир.

Армия ва флот жангчилари, ўртоқлар! СССР Қуролли Кучлари ветеранлари!

Сизларни Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги билан табриклайман! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда, замонавий қурол-яроғ ва жанговар техникани эгаллашда, интизом ва уюшқоқликни мустаҳкамлашда, ҳушёрлик ва жанговар тайёргарликни оширишда янгидан-янги муваффақиятларга эришувингизни тилаймаи.

Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан **буюраман:**

Бугун, 7 ноябрда маҳаллий вақт билан соат 20 да Ватанимиз пойтахти — қахрамон Москва шаҳрида, иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида, қаҳрамон шаҳарлар — Ленинград, Волгоград, Севастополь, Одесса, Новороссийск, Керчь, Тулада, қаҳрамон Брест қалъасида тўплардан бир йўла олтмиш марта ўқ узиб, салют берилсин.

Яшасин Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги!

Яшасин коммунизм бинокори — қаҳрамон совет халқи ва унинг шавкатли Қуролли Кучлари!

Совет жамиятининг раҳбар ва етакчи кучи — Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар!

СССР мудофаа министри
Совет Иттифоқи Маршали
Д. УСТИНОВ.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ ВА СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ҚАРОРИ

АДАБИЁТ, САНЪАТ ВА АРХИТЕКТУРА СОҲАСИДА 1977 ЙИЛГИ СССР ДАВЛАТ МУКОФОТЛАРИНИ БЕРИШ ТЎҒРИСИДА

КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети СССР Министрлар Совети ҳузуридаги адабиёт, санъат ва архитектура соҳасида Ленин мукофоти ва СССР Давлат мукофоти комитетининг тавсиясини кўриб чиқиб, қуйидагиларга 1977 йилги СССР Давлат мукофотларини беришга **қарор қиладилар:**

1. Қирғизистон ССР халқ ёзувчиси, повесть ва сценария автори Чингиз Тўрақулович **Айтматов**га, Қирғизистон ССР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёри Булатбек Тўленович **Шамшиев**га, оператор Манасбек **Мусаев**га — «Оқ кема» бадиий фильми учун.

2. Сценарий автори Александр Леонардович **Александров**га, РСФСРда хизмат курсатган санъат арбоби, сценарий автори ва режиссёр Сергей Александрович **Соловьев**га, оператор Леонид Иванович **Калашников**га, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом Александр Тимофеевич **Борисов**га — «Болаликдан сўнгги юз кун» бадиий фильми учун (бу мукофот болалар адабиети ва санъати асарлари учун).

3. Ёзувчи Юрий Васильевич **Бондарев**га, — «Соҳил» романи учун.

4. Пьеса автори Генрих Авиэзерович **Боровик**ка, СССР халқ артисти, режиссёр Андрей Александрович **Гончаров**га, РСФСРда хизмат курсатган артист, режиссёр Анатолий Владимирович **Ромашин**га, роль ижрочилари: Александр Сергеевич **Лазарев**га, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Светлана Николаевна **Мизери**га — Вл. Маяковский номли Москва академик театри саҳнасида қўйилган «Венсеремос!» («Буэнос-Айресдаги интервью») спектакли учун.

5. РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, сценарий автори Эммануэл Вениаминович **Брагинский**га, РСФСР халқ артисти, сценарий автори ва режиссёр Эльдар Александрович **Рязанов**га, РСФСРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, оператор Владимир Дмитриевич **Нахабцев**га, композитор Микаэл Леонович **Таривердиев**га, роль ижрочилари, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Андрей Васильевич **Мягков**га, Барбара **Брыльска**га — «Тақдирнинг ўйини ёки яхши ювингингизми!» телевизион бадиий фильми учун.

6. Ўзбекистон ССР халқ артисти, режиссёр, марҳум Александр Осипович **Гинзбург**га, СССР халқ артисти, режиссёр ва роль ижрочиси, марҳум Олим Хўжаевич **Хўжаев**га, рассом Георгий Робертович **Брим**га, роль ижрочилари, СССР халқ артисти Сора Абдураҳмоновна **Эшонтураева**га, СССР халқ артисти Зикир **Муҳаммаджонов**га, СССР халқ артисти Наби **Раҳимов**га, Ўзбекистон ССР халқ артисти Амин **Турдиев**га, Ўзбекистон ССР халқ артисти Ёқуб **Аҳмедов**га, Ўзбекистон ССР халқ артисти Турғун **Азизов**га — Ҳамза номидаги Ўзбек Давлат академик театри саҳнасида қўйилган «Инқилоб тонги» спектакли учун.

7. СССР халқ артисти Дмитрий Михайлович **Гнатюк**ка — 1974—1976 йиллардаги концерт программалари учун.

8. СССР халқ артисти, балетмейстер Юрий Николаевич **Григорьевич**га, СССР халқ рассоми Симон Багратович **Вирсаладзе**га, РСФСР халқ артисти, дирижёр Альгис Марцелович **Жюрайтис**га, роль ижрочилари — СССР халқ артисти Наталья Игорьевна **Бессмертнова**га, СССР халқ артисти Владимир Викторович **Васильев**га, СССР халқ артисти Михаил Леонидович **Лавровский**га, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Людмила Ивановна **Семеняка**, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Борис Борисович **Акимов**га, Михаил Львович **Цивин**га, ССР Иттифоқи Давлат академик Большой театри саҳнасида қўйилган «Ангара» балети учун.

9. Архитекторлар — Яков Николаевич **Жуков**га, Михаил Моисеевич **Меламед**га, Денис Леонидович **Четиркин**га, инженер конструктор Вячеслав Александрович **Успенский**га, инженер-қурувчи Михаил Степанович **Цвирко**га, — Тольятти шаҳрида СССР 50 йиллиги номли Волга автомобиль заводининг архитектура комплекси учун.

10. Ҳайкалтарошлар—Андрей Михайлович **Заспицкий**га, Иван Якимович **Миско**га, Никола Алексеевич **Рыженков**га, архитектор Олег Григорьевич **Трофимчук**ка—Белоруссия ССР Жодино совет ватанпарвар — она ҳайкали учун.

11. Шоир Мўмин **Қаноат**га (Муминшо **Қаноатов**га) «Сталинград овози» ва «Она сиймоси» поэмалари учун.

12. РСФСРда хизмат кўрсатган қурувчи, архитектор, иш раҳбари Александр Васильевич **Коротков**га, архитектор Генрих Михайлович **Вилежанин**га, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Михаил Ильич **Ливин**га, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Татьяна Николаевна **Сафонова**га, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Николай Иванович **Симонов**га, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Евгений Борисович **Федоров**га, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Станислав Серафимович **Целярицкий**га, инженер-конструктор Геннадий Петрович **Смородин**га, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Егиша Асатурович **Дургарян**га, Қозоғистон ССРда хизмат кўрсатган қурувчи Ставро Савельевич **Ефремов**га, қурувчи Павел Иванович **Останин**га — Шевченко шаҳрининг архитектураси учун.

13. Грузия ССР халқ артисти, композитор Реваз Ильич **Лагидзе**га — «Лела» операсининг музикаси учун.

14. Ёзувчи, сценарий автори Леонид Максимович **Леонов**га, РСФСР халқ артисти, режиссёр Моисей Абрамович **Швейцер**га, оператор Дилшод Зиннатович **Фатхуллин**га, РСФСРда хизмат кўрсатган рассом Леван Александрович **Шенгелия**га, роль ижрочилари — СССР халқ артисти марҳум Борис Андреевич **Бабочкин**га, СССР халқ артисти Ангелина Иосифовна **Степанова**га, СССР халқ артисти Донатас Иозович **Банионис**га, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Жанна Андреевна **Болотова**га, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Алла Сергеевна **Демидова**га — «Мистер Мак-Кинлининг қочиши» бадиий фильми учун.

15. Программа постановкачиси Юрий Александрович **Летунов**га, эшиттиришни олиб борувчи дикторлар — РСФСРда хизмат кўрсатган артист Игорь Леонидович **Кириллов**га, РСФСРда хизмат кўрсатган артист Нонна Викторовна **Бодрова**га, сценариячи, режиссёрлар — Юрий Николаевич **Владеев**га, Нина Александровна **Севрук**ка, шарҳчилар — телевизион очерклар ва репортажларнинг авторлари Виктор Ильич **Любовцев**га, Дамир Николаевич **Белов**га, Евгений Леонидович **Синицин**га, Светлана Константиновна **Бестужева** (Розен)га, режиссёр Калерия Венидиктовна **Кислова**га, операторлар — Вилий Петрович **Горемыкин**га, Лев Станиславович **Довгвилло**га — Бутуниттифоқ телевизион «Время» программасида ижтимоий-сиёсий воқеаларни бадиий-публицистик ёритганлиги учун.

16. Шоир Михаил Львович **Матусовский**га — «Қайин шираси», «Яна ёдимга тушди...», «Гудок қўшиғи», «Шахтёрлар қўшиғи», «Брестлик қиз», «Аврора» крейсери», «Қандай тез ўсмоқдасиз, болалар», «Юрагимда», «Комиссарлар», «Шундай қисқа узоқ умр» қўшиқларига асос қилиб олинган кейинги йилларда ёзилган шеърлари учун.

17. СССР халқ рассоми Андрей Андреевич **Мельников**га — «Хайрлашув» картинаси учун.

18. Пьеса авторлари — Георгий Григорьевич **Натансон**га, марҳум Виктор Венедиктович **Орлов**га, Украина ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, режиссёр Анатолий Григорьевич **Новиков**га, Украина ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, рассом Марк Ильич **Янковский**га, роль ижрочилари — Украина ССРда хизмат кўрсатган артист Александр Александрович **Голобородько**га, Евгений Павлович **Капитонов**га —М. Горький номли Қрим рус давлат драма театри саҳнасида қўйилган «Улар актёрлар эди» спектакли учун.

19. РСФСР ва Арманистон ССРда хизмат кўрсатган рассом Николай Багратович **Никогосян**га, Арманистон ССРда хизмат кўрсатган архитектор Жим Петросович **Торосян**га — Ленинакан шаҳрида Аветик Исаакян ҳайкали учун ва замондошларининг портретлари — ёзувчи Р. Заряннинг, профессор И. Китайгородскийнинг, хирург В. Загорянскаянинг, РСФСР халқ артисти С. Мартинсоннинг ҳайкал портретларини Н. Б. Никогосян яратганлиги учун.

20. Санъатшунослик доктори, профессор Вадим Михайлович **Полевой**га — «Греция санъати: Қадимий дунё», «Ўрта аср», «Янги давр» уч томлик монографияси учун.

21. Ёзувчи Валентин Григорьевич **Распутин**га — «Унутмай яша» повести учун.

22. СССР халқ артисти Ермек Бекмуҳамедович **Серкебоев**га — Совет композиторларининг асарларидан иборат концерт программаси учун.

КПСС Марказий Комитетининг Секретари Л. БРЕЖНЕВ.

СССР Министрлар Советининг Раиси А. КОСИГИН.

ТОШКЕНТ МЕТРОСИ ИШГА ТУШДИ

(Боши биринчи бетда).

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов ўртоқ Л. И. Брежнев табрикномасини ҳозир бўлганларнинг гулдурос қарсаклари остида ўқиб эшиттирди. Ш. Р. Рашидов «Ташметрострой» трести коллективига Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзбекистон касаба союзлари республика Советининг юксак мукофоти — Эсдалик байроғини топширди. Юксак социалистик мажбуриятни шараф билан бажарган «Ташметрострой» трестининг меҳнат аҳли республика Ҳурмат тахтасига ёзилди.

«Ташметрострой» трестининг бошқарувчиси П. В. Семенов, Тошкент аҳолисининг энг кекса кишиларидан—90 ёшли Аюб ота Бобохонов, Тошкент темир йўл транспорти инженерлари институтининг студенти О. Чучупалова, «Мосметрострой» бошлиғининг ўринбосари, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Т. В. Федорова, метро биринчи поездининг машинисти Л. Р. Исматуллаев митингда сўзга чиқдилар. Халқ бахт-саодати тўғрисидаги катта ғамхўрлик учун, метросозларнинг меҳнатига юксак баҳо берганлиги учун жонажон Коммунистик партия ва Совет ҳукуматига, шахсан ўртоқ Л. И. Брежневга қизғин миннатдорчилик сўзлари янграйди. Тошкент метрополитени — Совет Иттифоқи халқлари ленинча дўстлигининг янги ёрқин ифодасидир. Метрони Ўзбекистон меҳнаткашлари билан биргаликда Москва, Ленинград, Киев, Харьков, Боку метросозларининг зарбдор бригадалари қурдилар. Барча иттифоқдош республикаларнинг ўнлаб заводлари асбоб-ускуналарни, ҳаракат составини, материалларни, приборларни, мураккаб автоматикани муддатидан илгари етказиб бердилар. Тошкент корхоналарининг коллективлари, Ўзбекистон пойтахти студентларининг қурилиш отрядлари метрони барпо этишда катта ёрдам бердилар. Митингда сўзга чиққан нотиқлар «ишчилар эстафетаси»да қатнашиб, бугунги шодиёна кунни яқинлаштирган кишиларнинг ҳаммасига қизғин ташаккур изҳор этдилар.

Станция гумбазлари узра гулдурос қарсаклар янграйди: тўпланганлар КПСС Марказий Комитетига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга якдиллик билан табрикнома қабул қиладилар.

...Узоқ орзиқиб кутилган дақиқа етиб келади: машинист Лутфулла Исматуллаев моторли вагоннинг кабинасидаги ўз иш-жойига ўтиради. Унинг ёнида — ёрдамчиси, метро поезди ҳайдовчилари орасида биринчи ўзбек қизи Аширгул Раҳматова ўтирибди. Ана шу биринчи сафарда уларга Москва метрополитенининг энг яхши машинист - инструкторларидан бири Анатолий Иванович Сергунькин кўмаклашади.

Пассажирлар вагонларга жойлашдилар. Поездларни қабул қилиб олиш ва жўнатиш бўйича навбатчи қиз Назира Назарова ўзининг масъулиятли вазифасини биринчи марта бажаради. Репродукторлардан тез орада ҳамма кўникиб қоладиган, бугун эса ҳар бир кишини ғоят тўлқинлантирадиган: «Эҳтиёт бўлингиз, эшиклар ёпилади! Келгуси станция—Октябрь Революцияси номли станция!» деган сўзлар янграйди.

Поезд силжийди. Оқ йўл!

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар И. Г. Анисимкин, С. Е. Белоножко, Л. И. Греков, Й. Р. Қурбонов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Т. Н. Осетров, О. У. Салимов, Н. Ж. Худойбердиев, Н. Маҳмудов, Э. Б. Нордман, Г. М. Орлов, С. У. Султонова, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми Раисининг ўринбосари А. С. Абдалин, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг ўринбосарлари Р. Ҳ. Абдуллаева, Қ. Аҳмедов, С. Мамарасулов, М. Д. Мухортов, М. Т. Турсунов, А. Р. Хўжаев, Болгария Коммунистик партияси Хасково округи комитетининг биринчи секретари Г. Н. Корцанов, Югославиянинг Тошкент билан биродарлашган Скопле шаҳар мажлиси олий кенгашининг раиси В. Муратовский бошчилигидаги шаҳар делегацияси Тошкент метрополитени биринчи линияси очилиши муносабати билан ўтказилган тантаналарда иштирок этдилар.

Ю. КРУЖИЛИН,
ЎзТАГ мухбири.



Суратда: метронинг ишга туширилишига бағишланган митинг.
Ш. Иброҳимов фотоси, (ЎзТАГ).

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИДА УЧРАШУВ

КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси СССР Мудофаа министри, Совет Иттифоқи Маршали Д. Ф. Устинов 4 ноябрда Конго Меҳнат партияси ҳарбий комитети раисининг биринчи ўринбосари, партия фаолияти координациялаш учун масъул, миллий мудофаа министри Д. Сассу-Нгессо ва Конго Меҳнат партияси Марказий Комитети аъзоси, шаҳар ва уй-жой хўжалиги министри П. Бимдан иборат Конго Халқ Республикаси партия-ҳукумат делегациясини қабул қилди.

Конго делегациясининг аъзолари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллиги байрамида иштирок этишга таклиф қилганликлари учун КПСС Марказий Комитетига ва шахсан Л. И. Брежневга миннатдорчилик изҳор этдилар.

Делегация аъзолари Конго Меҳнат партиясининг мамлакатда прогрессив режимни мустаҳкамлашга қаратилган фаолияти тўғрисида ахборот берди. Конго Халқ Республикаси билан Совет Иттифоқи ўртасида ҳар тарафлама ривожланаётган ҳамкорлик миллий мустақилликни мустаҳкамлашга ва прогрессив ижтимоий ўзгартишларни амалга оширишга муҳим ҳисса қўшади, деб таъкидланди.

Конго вакилларига совет халқининг Улуғ Октябрь 60 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақа давомида эришган меҳнат ғалабалари, партия XXV съездининг тинчлик ва халқаро ҳамкорлик учун, халқларнинг озодлиги ва мустақиллиги учун курашни давом эттириш юзасидан белгиланган программасини бажаришда эришган муваффақиятлари тўғрисида ахборот берилди.

Ҳар иккала партия КПСС билан Конго Меҳнат партияси ўртасида, Совет Иттифоқи билан Конго Халқ Республикаси ўртасида дўстона муносабатларни ва ҳамкорликни бундан кейин ҳам мустаҳкамлашга интилажакларини тасдиқладилар.

Учрашувда Конго Халқ Республикасининг Совет Иттифоқидаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. П. Ноно қатнашди.

МУКОФОТЛАР ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигини нишонлаш юзасидан таъсис этилган юбилей Фахрий ёрлиқлари 6 ноябрь куни Тошкентда республика партия ва совет ходимларидан катта бир группасига топширилди. Ёрлиқларни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг раиси Н. М. Матчонов топширди. У мукофотланганларни самимий табриклаб, КПСС XXV съезди қарорларини бажариш соҳасидаги ишларида уларга янги-янги муваффақиятлар тилади. (ЎзТАГ).

РЕСПУБЛИКАЛАРДА НАШР ЭТИЛДИ

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси Л. И. Брежневнинг КПСС Марказий Комитети, ССР Иттифоқи Олий Совети ва РСФСР Олий Советининг қўшма тантанали мажлисида 1977 йил 2 ноябрда қилган «Улуғ Октябрь ва инсоният тараққиёти» доклади иттифоқдош республикаларнинг пойтахтларида украин, ўзбек, қозоқ, грузин, озарбайжон, эстон ва бошқа тилларда кўп нусхада алоҳида брошюра қилиб босмадан чиқарилди.

(ТАСС).

ЭНГ ЯХШИ ЧОРВАДОРЛАРГА—БАЙРОҚЛАР

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети 1977 йил тўққиз ойи мобайнида чорвачилик юзасидан колхоз ва совхозлар ўртасидаги социалистик мусобақанинг якунларини кўриб чиқдилар.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилинди:

Тошкент областига (область партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Мусахонов**, область ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Юсупов**, область қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Раҳмонов**). Бу область чорва ва паррандани энг яхши сақлаб қолишни ва кўпайтиришни таъминлаган, сут, гўшт, тухум етиштиришни кўпайтирган. Ҳар бир сигирдан 2464 килограммдан сут соғиб олган, тухум қиладиган ҳар бир товуқдан 139 тадан тухум олишга эришган, гўшт учун сўйиладиган қорамолни ўрта ҳисобда 398 килограмм вазнда, чўчқани 101 килограмм ва қўйни 45 килограмм вазнда топширган, гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 90 процент, сут тайёрлашни 95 процент, тухум тайёрлашни 83 процент, жун тайёрлашни 105 процент бажарган, бу эса ўтган йилдагидан кўпдир, дағал хашак тайёрлаш мажбуриятини 103 процент, сенаж бостириш мажбуриятини 111 процент, витаминли ўт толқони тайёрлаш мажбуриятини 119 процент бажарган. Байроқ Қашқадарё областидан олиб берилади;

Сурхондарё областининг **Қумқўрғон райони**га (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Алматов**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Жумаев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Шукуров**). Бу район барча турдаги чорва ва паррандани кўпайтиришни таъминлаган, гўшт етиштиришни 17 процент, сут етиштиришни 14 процент, тухум етиштиришни 19 процент, ҳар бош сигирдан соғиб олинган сут миқдорини 154 килограмм кўпайтирган, ҳар бир сигирдан 1542 килограммдан сут соғиб олган. Гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 104 процент, сут тайёрлашни 110 процент, тухум тайёрлашни 109 процент, жун тайёрлашни 102 процент бажарган, бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Қорамол, қўй ва эчкиларни энг яхши сақлаб қолишни таъминлаган, ем-хашак тайёрлаш мажбуриятини ошириб бажарган. Байроқ Наманган областининг Норин районидан олиб берилади;

Самарқанд областининг **Булунғур райони**га (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Хидиров**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Омонбоев**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Қаршиев**). Бу район қорамол, шу жумладан сигир, қўй ва эчкилар туёғини кўпайтиришни ва уларни етиштириб бериш плани бажарилишини таъминлаган, сут маҳсулдорлигини оширган ва ҳар бош сигирдан 1466 килограммдан сут соғиб олган, гўшт тайёрлаш йиллик ҳажмини 111 процент, сут тайёрлашни 96 процент, тухум тайёрлашни 151 процент бажарган, давлатга 100 процент сутни биринчи сортга топширган, ем-хашак тайёрлаш мажбуриятини ортиғи билан бажарган. Байроқ Андижон областининг Бўз районидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Жиззах областининг **Фориш районида** қолдирилди. (район партия комитетининг биринчи секретари ўртоқ **Долецко**, район ижроия комитетининг раиси ўртоқ **Нажилов**, район ижроия комитети қишлоқ хўжалик ишлаб чиқариш бошқармасининг бошлиғи ўртоқ **Мусаев**). Бу район ҳар 100 бош қоракўл совлиқдан 135 тадан қўзи олган, қўзиларнинг 42 процентини ўстириш учун қолдирган ва қўзиларни қолдириш планини 195 процент бажарган, қўй ва эчкилар туёғини кўпайтиришни таъминлаган. Гўшт тайёрлаш йиллик планини 70 процент, сут тайёрлашни 70 процент, жун тайёрлашни 78 процент, қоракўл тери тайёрлашни 103 процент бажарган, чорва ва паррандаларнинг ҳамма турларини энг яхши сақлаб қолишга эришган, ем-хашак тайёрлаш топшириғини ошириб бажарган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқлари қуйидагиларга берилди:

Қорақалпоғистон АССР, **Беруний районидаги «Коммуна» колхози**га (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Тактаев**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қаршиев**). Бу колхоз чорва ва парранданинг энг яхши сақланишини ва кўпайтиришни таъминлаган, кўплаб бузоқ олган, ҳар бош сигирдан сут соғиб олишни 94 килограмм кўпайтирган ва ҳар бир сигирдан 1279 килограммдан сут соғиб олган, гўшт етиштиришни 3,2 баравар, сут етиштиришни 17 процент, тухум етиштиришни 22 процент кўпайтиришга эришган. Давлатга гўшт сотиш йиллик планни 120 процент, сут сотиш планини 87 процент, тухум сотиш планини 101 процент бажарган, бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Байроқ Сирдарё область Сирдарё районидаги «Правда» колхозидан олиб берилади.

Наманган область **Норин районидаги «Ўзбекистон» колхози**га (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Маҳмудов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қирғизов**). Колхоз чорва ва паррандани энг яхши сақлаб қолишни ва кўпайтиришни таъминлаган. Ҳар бир сигирдан ўртача сут соғиб олишни 251 килограмм кўпайтирган, ҳар 100 бош сигирдан ва икки ёшдан катта ғунажинлардан 75 тадан бузоқ олган, давлатга гўшт сотиш йиллик планини 94 процент, сут планини 95 процент, тухум сотиш планини 154 процент бажарган, бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир. Байроқ Хоразм область Янгиариқ районидаги Киров номли колхоздан олиб берилади;

Фарғона область, **Фарғона** районидаги **Ҳ. Турсунқулов номли колхози**га (колхоз правлениесининг раиси ўртоқ **Халимов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Раҳимов**). Бу колхоз қорамол, қўй, эчки ва паррандани кўпайтиришни ҳамда планнинг бажарилишини таъминлаган, ҳар 100 бош сигирдан ва икки ёшдан ошган ғунажинлардан 70 тадан бузоқ олган, ҳар бош сигирдан 1631 килограммдан сут соғиб олган, бу эса ўтган йилдагидан 176 килограмм кўп, гўшт етиштиришни 17 процент, сут етиштиришни 13 процент, тухум етиштиришни 15 процент кўпайтирган, давлатга гўшт сотиш йиллик планини 91 процент, сут сотиш планини 131 процент, жун сотиш планини 124 процент, тухум сотиш планини 3,9 баравар кўп қилиб бажарган, давлатга сутнинг 99 процентини биринчи сортга топширган. Байроқ Қорақалпоғистон АССР Беруний районидаги «Ленинизм» колхозидан олиб берилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроғи Бухоро области **Ромитан районидаги** «Октябрь 50 йиллиги» **совхозида** қолдирилди (совхоз директори ўртоқ **Саидов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Рамазонов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Камолов**). Бу совхоз чорва ва парранданинг энг яхши сақланишини ва кўпайтиришни таъминлаган, гўшт етиштиришни 52 процент, сут етиштиришни 7 процент, тухумни 72 процент кўпайтирган, ҳар бир сигирдан соғиб олинган ўртача сут миқдорини 124 килограмм кўпайтирган ва ҳар бош сигирдан 1991 килограммдан сут соғиб олган, давлатга гўшт топшириш йиллик планини 110 процент, сут топшириш планини 100 процент бажарган. Давлатга сутнинг 95 процентини биринчи сортга топширган.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг кўчма Қизил байроқларини қуйидагиларга беришга қарор қилинди:

Сирдарё область, **Оқолтин районидаги «Андижон» совхози**га (совхоз директори ўртоқ **Айдаров**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Сабенов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Равшанов**). Бу совхоз қорамол туёғини кўпатиришни ва планнинг бажарилишини 114 процент, сигирлар туёғини кўпайтиришни ва планини 100 процент бажаришни таъминлаган, кўп бузоқ олган, гўшт етиштиришни икки баравар, сут етиштиришни 8 процент кўпайтирган, ҳар бош сигирдан 2206 килограммдан сут соғиб олган, давлатга гўшт топшириш йиллик планини 142 процент, сут топшириш планини 89 процент бажарган ,бу эса ўтган йилдагидан анча кўп. Байроқ Фарғона область, Фарғона районидаги У. Юсупов номли совхоздан олиб берилади.

Сурхондарё областидаги **«Ўзбекистон» қоракўлчилик совхози**га (совхоз директори ўртоқ **Туропов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Қурбонов**, ишчилар комитетининг раиси ўртоқ **Худойқулов**). Бу совхоз қўй ва эчкиларни энг яхши сақлаб қолишни таъминлаган ва кўпайтиришни 130 процент бажарган, қўзи ва улоқ олиш планини 127 процент бажарган. Ўстириш учун 179 процент қўзи қолдирилган, давлатга гўшт топшириш планини 169 процент, тухум топшириш планини 115 процент, жун топшириш планини 106 процент, қоракўл тери топшириш планини 116 процент бажарган. Бу эса ўтган йилдагидан анча кўпдир, дағал хашак тайёрлаш мажбуриятини 111 процент ошириб бажарган. Байроқ Тошкент область Чиноз районидаги Жамбул номли совхоздан олиб берилади.

Урганч паррандачилик фабрикасига (директори ўртоқ **Матёқубов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Хўжаев**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Маҳмудов**). Бу паррандачилик фабрикаси паррандани энг яхши сақлашни ва кўпайтириш юзасидан олинган мажбуриятни 133 процент, тухум берадиган товуқларни кўпайтиришни 104 процент бажаришни таъминлаган, тухум етиштириш планини 102 процент, парранда гўшти етиштириш планини 111 процент, давлатга тухум топшириш планини 102 процент, гўшт топшириш планини 130 процент бажарган, жўжаларни реализация қилиш ва кўпайтириш планини ошириб бажарган, пландан ташқари 533 минг сўм фойда олган. Байроқ Жиззах область, Октябрь районидаги Тимирязев номли совхоздан олиб берилади;

Тошкент областидаги **Главзаготживпромга қарашли Ўртасувл бўрдоқичилик пункти**га (директори ўртоқ **Содиқов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Деревянченко**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Шишкина**). Бу бўрдоқичилик пункти қорамол ўстириш йиллик планини 124 процент, қўй ва эчкиларни кўпайтириш планини 215 процент бажарган, қорамолнинг ўртача суткалик семиришини 1031 грамм, қўйнинг ўртача семиришини 181 грамм бўлишига эришган. Бу эса планда белгиланганидан 1,8 баравар кўп, бир центнер чорвани семиртириш учун меҳнат сарфини 50 процент ва семириш таннархини 17 процент камайтирган, чорва молларни тўла-тўкис сақлаб қолган. Байроқ Самарқанд область Жомбой районидаги «Ғалабанинг 30 йиллиги» чўчқачилик совхозидан олиб берилади.

Тошкент область Давлат наслчилик корхонасига (корхона директори ўртоқ **Цибизов**, партия ташкилотининг секретари ўртоқ **Ким**, маҳаллий комитет раиси ўртоқ **Цой**). Бу давлат наслчилик корхонаси наслдор молларни тайёрлашни ва хўжаликларга сотишни кўпайтиришга эришган, олинган бузоқларнинг зотини яхшилаган, хўжаликларда зотдор сигирлар ва ғунажинларни комплектлаш топшириғини ошириб бажарган. Байроқ Сурхондарё область наслчилик корхонасидан олиб берилади.

ОКТЯБРЬ БАЙРОҒИ ОСТИДА ЯНГИ ЗАФАРЛАР САРИ

МОСКВА

Барча совет кишилари сингари москваликлар ҳам Советлар мамлакатининг шонли юбилейини коммунистик қурилишда қўлга киритилган жуда катта муваффақиятлар учун фахрланиш ҳис-туйғулари билан кутиб олмоқдалар. 5 ноябрь куни ССР Иттифоқи Большой театрида КПСС Москва шаҳар комитети, халқ депутатлари шаҳар Советининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигига бағишланган тантанали қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Партия ветеранлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари, фан ва маданият арбоблари, жамоатчилик намояндалари, юбилей тантаналарига келган чет эллик меҳмонлар бу ерга йиғилдилар.

Мажлис аҳли В. В. Гришин, А. Н. Косигин, К. Т. Мазуров, Б. Н. Пономарев, И. В. Капитонов, М. В. Зимянин ўртоқларни узоқ давом этган қарсаклар билан кутиб олди.

Ўртоқ Леонид Ильич Брежнев бошчилигидаги КПСС Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси баланд руҳ билан тантанали мажлиснинг фахрий президиумига сайланди.

Мажлисни КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, КПСС Москва шаҳар комитетининг биринчи секретари В. В. Гришин очди.

1917 йилдан бери партия аъзоси А. И. Тимофеев, П. П. Шчербаков номли Москва шойи комбинатининг тўқувчиси, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони М. Д. Полешчук, Москва Давлат университетининг катта илмий ходими, Ленин комсомоли мукофотининг лауреати В. В. Филиппов ўз нутқларида халқ бахт-саодати тўғрисида, пойтахтни ривожлантириш ҳақида зўр ғамхўрлик қилаётганликлари учун КПСС Ленинчи Марказий Комитетига, Марказий Комитет Сиёсий бюросига, шахсан Леонид Ильич Брежневга астойдил самимий миннатдорчилик изҳор қилдилар.

Мажлисда юбилей тантаналарида қатнашиш учун СССРга келган бир қанча чет эл делегацияларининг раҳбарлари ва аъзолари сўзга чиқдилар. Мажлис аҳли уларни самимий кутиб олди.

КПСС Марказий Комитетига, СССР Олий Совети Президиумига, СССР Министрлар Советига, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилинди. (ТАСС).

ЛЕНИНГРАД

Коммунистик партия ва Совет давлати тарихида унутилмас воқеа — Улуғ Октябрнинг 60 йиллигини барча совет кишилари сингари ленинградликлар ҳам тантана билан нишонламоқдалар. Москвадаги тантаналарда қабул қилинган ҳужжатлар Октябрь ғояларининг, марксизм-ленинизм ғояларининг жуда катта ҳаётий кучга эга эканлигини кўрсатувчи янги ёрқин далил бўлди.

«Октябрский» катта концерт залида КПСС Ленинград область ва шаҳар комитетлари, халқ депутатлари область ва шаҳар Советларининг Улуғ Октябрь социалистик революцияси 60 йиллигига бағишланган қўшма тантанали мажлиси бўлиб ўтди.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советининг Ленинград ишчиларига, инженерларига, техникларига, фан ва маданият арбобларига, Совет Армияси ва Флоти жангчиларига, барча меҳнаткашларига йўллаган табрикномасини йиғилиш аҳли узоқ давом этган гулдурос қарсаклар билан кутиб олди. Табрикномани КПСС Марказий Комитети Сиёсий бюросининг аъзоси, Ленинград область партия комитетининг биринчи секретари Г. В. Романов ўқиб берди .

Мажлис иштирокчилари томонидан самимий кутиб олинган чет эллик меҳмонлар Улуғ Октябрь социалистик революциясининг оламшумул тарихий аҳамияти, унинг жаҳон миқёсидаги жараёнларга кўрсатаётган таъсири тўғрисида гапирдилар.

Тантанали мажлис иштирокчилари КПСС Марказий Комитети Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежневга баланд руҳ билан табрикнома қабул қилдилар. Улар бу табрикномада Октябрь ғояларига, Ленин васиятларига чексиз содиқ эканликларини, бутун куч ва ғайратларини КПСС XXV съезди белгилаган режаларни амалга оширишга, Совет ҳокимиятининг эришган тарихий ғалабаларини мустаҳкамлашга бағишлаймиз деб, сўз бердилар. (ТАСС).

БАЙРАМ ШОДИЁНАЛАРИ

УЛКАМИЗДА катта шоду-ҳуррамлик. Чеҳраларда табассум, дилларда олам-олам қувонч. Бунинг боиси элимизда қўш тантана. Тўйга тўй улаган аҳднга вафодор азамат пахтакорларга офарин! Республикамиз меҳнаткашлари Улуғ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллик тўйини ёруғ юз билан кутиб олишмоқда. Осмонўпар ҳирмонлар бунёд этиб, зиммаларига олган социалистик мажбуриятни бажаришда областимиз миришкорларининг ҳам муносиб ҳиссалари бор. Эл қатори Ўзбекистон меҳнаткашлари ҳам ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилини ажойиб ютуқлар билан якунлашмоқда. Халқимизда «Меҳнатингдан келса бойлик, турмуш булар чиройлик» деган нақл бор. Ҳақиқатан ҳам бугунги турмушимизнинг фаровонлиги-ю, дилимизнинг чароғонлиги бэнси меҳнатдан. Қуйидаги хушхабарлар ана шу бахтиёр онларимиздан бир шингил.

ҚИШЛОҚЛАРГА ШАҲАР ЧИРОЙИ

УЛУҒ Октябрь социалистик революциясининг шонли 60 йиллигини эл қатори «Ташоблколхозстрой» бунёдкорлари ҳам муносиб меҳнат армуғонлари билан қарши олишяпти. Қўли гул қишлоқ бинокорлари областимиз шаҳар ва районларида ўнлаб замонавий турар-жой бинолари, маданий-маиший объектлар, мактаблар, болалар комбинати, бир қатор чорвачилик комплекслари қуриб беришди. Узаро байрамолди мусобақасида И. Жўраев, Г. Куликов, У. Йўлдошев, Р. Хабибулин сингари бошлиқ бригада азаматлари эришган натижалар айниқса қувонарли бўлди. Ана шу пешқадам қурувчиларнинг топширган ҳамма объектлари давлат комиссияси томонидан «аъло»га қабул қилиб олинди. Қишлоқ бунёдкорлари фақат шу йилнинг ўн ойи мобайнида 7615 квадрат метр турар-жой биноларини фойдаланишга топширдилар.

74-колхозлараро механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари Янгийўлдаги «Коммунизм» колхозида 536 ўқувчига мўлжалланган мактаб, колхозлараро қурилиш бошқармаси азаматлари Юқори Чирчиқ районидаги «Правда» колхозида 90 ўринли болалар боғчасини, 20-колхозлараро механизациялашган кўчма колоннаси бунёдкорлари Оққўрғон районидаги Карл Маркс номли колхозда типовой мактаб биносини муддатидан илгари ишга туширдилар. Байрам арафасида пискентликлар ҳам бинокорлардан ажойиб туҳфа олишди, ўнлаб оилалар байрамни янги уйларда кутиб олишмоқда.

«Главташкентстрой» бунёдкорлари ҳам байрамни ёруғ юз билан қарши олишмоқда. «Ташавтомаш»да 54 оилага, Қорасув массивида эса 250 хонадонга янги уйларнинг калитлари топширилди. Шунингдек, Қорақамиш массивида ҳам бешта кўп қаватли турар-жой уйлари ишга туширилди. «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» проспектида кад кўтараётган ўн бир қаватли «Ленинград» меҳмонхонасида сўнгги пардозлаш ишлари олиб борилмоқда.

ТЎЙ УСТИГА ТЎЙ

ДОҲИЙ Ленин ҳайкали поёнига гул тўшаган келинкуёвлар яқин дўстлари билан аста Номалум солдат ёдгорлиги томон йўл олишди. Бахтиёр ёшларнинг бегубор севгиси, орзу-умидларини гулгун чеҳраларидан сезиб олиш қийин эмас.

— Улуғ ойём арафасида, яъни 5 ва 6 ноябрда шаҳримиздаги 1- ва 2-никоҳ уйларида 127 нафар йигит-қизнинг бирга ҳаёт қуришганлиги ҳақидаги аҳдноме гувоҳланди, — дейди шаҳар ЗАГС мудираси ўртоқ С. Бўриева.

Шофёр И. Акромов билан савдо ходими М. Одилова, ҳарбий хизматчи А. Кулагин билан электромонтёр Н. Шебалкова, инженер-конструктор Т. Акбаров билан илмий ходим А. Тошпўлатова, ишчи А. Саидаҳмедов билан студент О. Мираюбова, илмий ходим Ф. Исломов билан студент С. Олимова ва бошқа кўплаб бахтиёр ёшларимиз улуғ айём — шонли Октябрь революциясининг 60 йиллик тўйи арафасида бирга ҳаёт қуриб, кўш тўйни нишонламоқдалар.

ДИЛРАБО КУЙ ВА ҚУШИҚЛАР

БАЙРАМ тантаналари давомида савдо ходимлари ўзларининг турли-туман ширинликлари ваноз-неъматлари билан дастурхонимизни безаш иштиёқида бўладилар. «Тошкент», «Зарафшон», «Гулистон», «Октябрь», «Баҳор» ва бошқа ресторанларда байрам столлари безатилади. Кўчаларда ва хиёбонларда уста ошпазлар дошқозонларда ош дамлашади, ширинликлар ва ярим фабрикатлар савдоси уюштирилади.

Пойтахт савдо ходимлари байрам намойишига чиққан меҳнаткашлар учун жойларда 700 дан зиёд буфет ва кўчма дўконлар уюштиришади, юзга яқин автолавкалар аҳоли хизматида бўлади.

Оржоникидзе, Калинин, Тошкент районининг уста сохибкорлари ҳам шаҳарликлар дастурхонини ширин-шакар қозун-тарвузлари, узум ва бошқа ноз-неъматлари билан безашади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

ОЧИЛ ДАСТУРХОН

БАЙРАМ тантаналари давомида савдо ходимлари ўзларининг турли-туман ширинликлари ва ноз-неъматлари билан дастурхонимизни безаш иштиёқида бўладилар. «Тошкент», «Зарафшон», «Гулистон», «Октябрь», «Баҳор» ва бошқа ресторанларда байрам столлари безатилади. Кўчаларда ва хиёбонларда уста ошпазлар дошқозонларда ош дамлашади, ширинликлар ва ярим фабрикатлар савдоси уюштирилади.

Пойтахт савдо ходимлари байрам намойишига чиққан меҳнаткашлар учун жойларда 700 дан зиёд буфет ва кўчма дўконлар уюштиришади, юзга яқин автолавкалар аҳоли хизматида бўлади.

Оржоникидзе, Калинин, Тошкент районининг уста сохибкорлари ҳам шаҳарликлар дастурхонини ширин-шакар қозун-тарвузлари, узум ва бошқа ноз-неъматлари билан безашади.

Ш. УМУРЗОҚОВ.

Реклама ва эълонлар

Ўзбекистон Давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ва 20.00да
8 НОЯБРЬ СОАТ 13.00 ва 16.00да
9 НОЯБРЬ СОАТ 16.00 ва 20.00да

УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

БАЙРАМ КОНЦЕРТЛАРИ

(Янги программа)

ҚАТНАШАДИЛАР:

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТЛАР: Олмахон ХАЙИТОВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Шариф СУЛТОНОВ, Мўътабар ЙЎЛДОШЕВА;

Хонандалар: Фахриддин УМАРОВ, Ортиқ ОТАЖОНОВ, Хадича АЛИМАРДОНОВА, Алижон ҲАСАНОВ, Ғуломжон ДАДАХОНОВ, Халил АБДУЛЛАЕВ, Ойхон ЁҚУБОВА, Нодира АҲМЕДОВА, Насиба ЭГАМБЕРДИЕВА, Изомжон САДРИЕВ, Тошпўлат ДУСТБЕКОВ;

БУТУНИТТИФОҚ ЭСТРАДА АРТИСТЛАРИ КОНКУРСИНИНГ ЛАУРЕАТИ КАРИМА УЗОҚОВА.

Рақҳос ва рақҳосалар: Отажон РАЖАБОВ, Дилбар АБДУЛЛАЕВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Зуҳра ҒОЗИЕВА;

Интермедия ва юмор — Шерқўзи ҒОЗИЕВ ва Абдуфаттоҳ САИДОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛЛАРИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари — Ўзбекистон ССР халқ артистлари Муҳаммаджон МИРЗАЕВ ва Аюб ҚОДИРОВ;

Музика раҳбарлари — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Ғулом ТОЖИАЪЛОЕВ ва Мавжуда ҲОЛДОРОВА олиб борадилар.

ПРОГРАММАДА: Ўзбекистон композиторлари асарлари, Ўзбек халқ куй, ашула, рақс ва ялламлари.

Филармониянинг бадиий раҳбари — Бутуниттифоқ ва Ўзбекистон Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, композитор Мирсодиқ ТОЖИЕВ.

БИЛЕТЛАР КОНЦЕРТ ЗАЛИ КАССАСИДА СОАТ 14.00дан, ШАНБА ВА ЯКШАНБА КУНЛАРИ СОАТ 10.00дан СОТИЛМОҚДА.

Ўзбек давлат филармонияси

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

7 НОЯБРЬ СОАТ 13.00 да
УЛУҒ ОКТЯБРЬ СОЦИАЛИСТИК РЕВОЛЮЦИЯСИНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНАДИ

БУТУНИТТИФОҚ БАДИИЙ КОЛЛЕКТИВЛАР КЎРИГИНИНГ ДИПЛОМАНТИ ВОКАЛ—ХОРЕОГРАФИК

«ЛАЗГИ» АНСАМБЛИНИНГ КОНЦЕРТИ

ҚАТНАШАДИЛАР

ЎЗБЕКИСТОН ССРДА ХИЗМАТ КЎРСАТГАН АРТИСТ ГУЛСАРА ЁҚУБОВА

КАРФАГЕНДА БУЛИБ ЎТГАН VIII ЖАҲОН ФЕСТИВАЛИНИНГ ЛАУРЕАТИ МАВЛУДА ОЙНАҚУЛОВА

СОЛИСТЛАР: опа-сингил УРБУГУЛ ва ОЛМАГУЛ СУИЕРБОЕВАЛАР, ХОЛДОРХОН МУҲИДДИНОВА, НУРЖАҲОН САТТАРОВА, РАЪНО ЖУМАНИЁЗОВА, РОЗИҚ РАСУЛОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АСБОБЛАРИ АНСАМБЛИ

Ансамблнинг бадиий раҳбари ва бош балетмейстери — Ўзбекистон ССР халқ артисти ГАВҲАР РАҲИМОВА.

Музика раҳбари — НАЖОТХОН ТУРАХЎЖАЕВ.

Балетмейстер — РУСТАМ СУЛТОНОВ.

Билетлар сотилмоқда.

ҲАММАСИ БАЙРАМ УЧУН

ҲУРМАТЛИ ТОШКЕНТЛИКЛАР ВА ПОЙТАХТИМИЗ МЕҲМОНЛАРИ!

ТОШКЕНТ ИППОДРОМИ

8, 9, 10 НОЯБРДА СИЗНИ

УЛУҒ ОКТЯБРНИНГ 60 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН

СПОРТ БАЙРАМИГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ



СИЗ БУ БАЙРАМ-ДА ҚИЗИҚАРЛИ ОТ СПОРТ МУСОБАҚАЛАРИ, КУРАШЛАР, ҲАМДА ДОСААФ СПОРТЧИЛАРИНИНГ БАХСЛАШУВЛАРИНИ КЎРАСИЗ.

БАЙРАМДА ПРОФЕССИОНАЛ АРТИСТЛАР ВА БАДИИЙ ҲАВАСКОРЛИК КОЛЛЕКТИВЛАРИ ИШТИРОК ЭТАДИ.

БАЙРАМ ҚАТНАШЧИЛАРИ УЧУН ЯРМАРКА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН. СИЗ У ЕРДАН КИЙИМ-БОШ, ПОЙАФЗАЛ, ГАЗМОЛЛАР, ТРИКОТАЖ МОЛЛАРИ, ГАЛАНТЕРЕЯ, ПАРФЮМЕРИЯ ВА КОСМЕТИКА БУЮМЛАРИНИ СОТИБ ОЛИШИНГИЗ МУМКИН.

Ярмаркада Тошкентнинг йирик торглари — ГУМ, ЦУМ, «Болалар дунёси», «Ташгекстильшвейторг», «Ташпромторг», «Ташобувьторг» ва бошқа савдо корхоналари қатнашади.

Умумий овқатланиш корхоналари Сизлар учун ранг-баранг кулинария ва кондитер маҳсулотлари тайёрлаб беради.

8, 9, 10 ноябрда Ипподромга қўйидаги жойлардан маршрут бўйича автобуслар қатнайди: революция хиёбони, «Қўйлиқ» массиви, «Чилонзор», «ТошМИ», «Юнусобод», «Қорақамиш», «Трактор заводи», Калинин, «Оқтепа», Комсомол майдонларидан.

Ипподромга 18-трамвай, 16-троллейбуслар бориши мумкин.

У ерда енгил автомобиллар тўхташ жойи ташкил этилган.

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ САВДО БОШ БОШҚАРМАСИ. «УЗТОРГРЕКЛАМА».

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

12.45—Москва. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. Кўрсатувдан кейин байрам концерти. 16.15—«Сеҳрли давра» (бадиий фильм, 1-серия). 17.20 — «Байрам поэмаси». 17.35 — «Ленин Октябрда» (бадиий фильм). 19.15 — «Голубой огонёк». 23.00 — Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши тўғрисида репортаж.

ЎЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.45 — Тошкент. В. И. Ленин номли майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 12.45 — Москва. Қизил майдон. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши. 16.20 — Ҳужжатли фильм. 17.10 — Мультфильмлар. 17.50—Ҳужжатли фильм. 18.20 — Катта байрам музикали программаси. 20.00 — Зафар муборак Ўзбекистонлик пахтакорлар (Ўзбекистон телевидениесининг маҳсус программаси). 21.30 — Ахборот. 22.00 — Катта байрам музикали программаси (давоми). 23.00 — Москва. Улуғ Октябрь социалистик революциясининг 60 йиллигига бағишланган ҳарбий парад ва меҳнаткашлар намойиши тўғрисида репортаж.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — «Оз мамлакатининг сеҳргари» (телеспектакль). 20.30 — Ҳужжатли фильм. 21.30 — «Бир полк музикачилари» (бадиий фильм).

Театр

НАВОИ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 7/XIда **Испан миниатюралари** (13.00, 19.00), 8/XIда **Ўзбекистон ССР халқ артисти В. Гриченко концерти.**

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XIда **Аяжонларим** (кундузи), **Келинлар қўзғолони** (кечқурун, билетлар сотилган), 8/XIда **Келинлар қўзғолони** (кундузи, билетлар сотилган), **Парвона** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 7/XIда **Олифта** (12.00), **Концерт** (16.00), **Гулбаҳор қани?** (19.30), 8/XIда **Ҳижрон** (кундузи), **Йиллар ўтиб** (кечқурун), 9/XIда **Қўлга тушмаган ўғрими.**

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ЕШ ГВАРДИЯ» ДРАМА ТЕАТРИДА — 7/XIда **Ишқ қурбонлари** (12.00, 19.00), 8/XIда **Кўзингни каттароқ оч** (12.00), 9/XIда **Корчалонлар.**

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — 7, 8, 9/XIда МОСКВА ЦИРКИ АРТИСТЛАРИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ (12.30, 16.00 ва 19.00).

Кино

7, 8, 9 НОЯБРДА ҲУЖЖАТЛИ ФИЛЬМЛАР

Кундалик янгиликлар № 33 — «ЧАЙКА», «МОСКВА».

Кундалик янгиликлар № 34 — «НУКУС», «ҚОЗОҒИСТОН».

Бронепоезд ҳақида қисса — «ҚОЗОҒИСТОН».

Очиўзлик ҳақида қисса — «ВОСТОК».

СССР Олий Советининг навбатдан ташқари VII сессиясида — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ».

БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР

Фонтан олдида учрашув — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ», «ЧАЙКА» (12, 14, 16, 18.00), «ҚОЗОҒИСТОН», «ЎЗБЕКИСТОН» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК», «МОСКВА» (кундуз ва кечқурун).

Оталар изидан борар солдатлар — ҲАМЗА номли (14, 16, 17.30, 19, 20.00), НАВОИЙ номли, «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Озодлик солдатлари — «ЧАЙКА» (20.00), С. РАҲИМОВ номли (11, 15, 17, 20.00).


Муҳаббат билан — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда).


Бўри изидан — «НУКУС» (кундуз ва кечқурун).

Сиёвуш ҳақида қисса — «ЯНГИОБОД» (кундуз ва кечқурун).

ГЎЗАЛЛИК БУНЁДКОРИ







Кеча тошкентликлар Октябрь байрами олдидан ажойиб бир совғага эга бўлишди. Пойтахтимизда Ўрта Осиёда ягона бўлган метрополитеннинг биринчи навбати ишга туширилди. Суратда: ер ости қасрининг «Пахтакор» ва Халқлар дўстлиги станцияларидан кўриниши.

Ш. Иброҳимов фотолари (ЎзТАГ).

Унинг сермаъно кўзларида бугун ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қувонч ёлқинланарди. Тенгдош дўстлари, ҳамкасблари оғушида қолди у. Талабаларининг меҳр ва самимият билан табриклашларини айтмай қўясизми.

Қутловлар кетидан қутловлар. Бунақа пайтда инсон қалбида энг нозик туйғулар жилоси ўйнайди. Ўзи яшаётган диёрдан, одил совет тузумидан, шу жамиятда камол топаётган одамлардан беҳад миннатдор эканлигини, ҳали башарият тарихи билмаган бу қадар бахтиёрликни хис қилаётганини оламга барала овоз билан айтгиси келади. Бундай кезларда бегубор болалик орзулари, талабалик йилларидаги романтик ҳаёллар, ҳаётнинг сермашаққат довонларини енгишдаги кураш ва интилиш дамлари киши кўз ўнгидан бир-бир ўта бошлайди.

Абдулла Бобохонов ўрта мактабни битириб олий ўқув юртига одим ташлаган йилларда бугунгидай бутун иттифоқимизга таниқли архитектор, етук олим бўлишини ҳаёлига ҳам келтирмаган эди. Лекин гўзал бинолар қуриш иштиёқи қалбида ҳамиша алангаланарди. Ўз касбини ардоқлаган, меҳнат қилишни севган кишининг обрў-эътибори ортаверар экан.

Ўттизинчи-қирқинчи йиллардаёқ ёш архитектор жамоат биноларини қуриш борасидаги миллий услубда яратилган лойиҳалари билан эътиборга сазовор бўла бошлади. Ўша йилларда қад кўтарган Тошкент шаҳридаги Собир Раҳимов кинотеатри, Оржоникидзе районидаги «Қизил Ўзбекистон» колхозининг Маданият саройи, ҳозирги Тошкент районидаги «Ўзбекистон ССР 50 йиллиги» колхозининг қизил деҳқон, Ленин участкаларидаги клублар, чойхоналар архитекторнинг юксак дид ва истеъдод эгаси эканлигидан далолат бериб турарди.

Республикамизда А. Бобохонов ижоди эндигина барқ ура бошлаган йилларда фашизм мамлакатимизга хоинона бостириб кирди. Ватан миллионлаб совет жангчилари қаторида Абдулланинг қўлига ҳам қурол тутқазди. У ёвуз душман печа-неча кишиларнинг ёстиғини қуритаётганлигини, биноларни ер билан яксон қилаётганлигини ўз кўзи билан кўради. Нияти ҳаммасини ҳаробазорга айлантиришдан иборат бўлган фашистларга нисбатан чексиз нафрат билан жанг қилди. Галабадан сўнг у яна ҳам гўзалроқ, одамлар учун қулай ва нафис бинолар бунёд этишни дилига тугиб қўйди. Уша кутилган кунлар келди. Қўша-қўша орденлар ва медаллар билан қайтган фарзандини Ўзбекистон яна ўзининг иссиқ бағрига олди ва бунёдкор ўғлонига ижодий камолот тилади. Самарқандаги Улуғбек, Шохимардондаги Ҳамза Ҳакимзода музейлари, Душанба, Чирчиқ шаҳридаги кўркам театрлар бинолари, Тошкентдаги қатор маданий ва маорифмуассасалари лойиҳалари ана шундай баракали ижод йилларида туғилди.

Социалистик жамиятнинг баракамоллиги туфайли совет кишиларининг онги, маданий даражаси тезда юксалди. Даврқўркам посёлкалар, қишлоқлар қуриш ва бу ишларни бош планлар асосида амалга оширишни тақозо эта бошлади. Тошкент политехника институтининг архитектура факультетида фаолият кўрсатиб келаётган А. Бобохонов партия ва ҳукуматимизнинг бу чақириғига ҳам ҳозиржавоблик билан муносабатда бўлди ва ўз тақдирини қишлоқда жамоат бинолари қуриш проблемаси билан боғлади. Бу соҳада ҳам катта муваффақиятларга эришди. У факультетда «Жамоат бинолари лойиҳалаш ва унинг интерьераси» кафедрасининг мудири сифатида кўп шогирдлар етиштирди.

Архитектор олимнинг совхозларда жамоат бинолари комплекс қуриш бўйича тавсия қилган лойиҳалари бутун мамлакатимизда шон-шуҳрат топди. Совхозлар марказини бундай қуриш ҳар бир объектни алоҳида-алоҳида қуришдан кўра 15—20 процент арзонга тушади. Ҳозир Фарғона, Тошкент областларининг қатор районларидаги колхозлар ва совхозлар маркази ана шу лойиҳа асосида бунёд этилмоқда.

А. Бобохонов республикамизда ирригация иншоотларини барпо этиш тўғрисидаги қатор илмий ишлар автори ҳамдир. У ўз фаолияти даврида 100 дан ортиқ намунавий лойиҳалар яратди. Шу кунларда Тошкент шаҳар жамоатчилиги, институт томонидан СССР халқ архитектори, республикада хизмат кўрсатган бинокор, профессор А. Бобохоновнинг ижодига бағишлаб уюштирилган кўргазмани зўр қизиқиш билан томоша қилмоқда. Унинг айниқса кейинги йиллар ичида яратган умумлаштирилган бинолар тўғрисидаги лойиҳалари Иттифоқимизнинг бошқа шаҳар ва районларини ҳам ўзига жалб этаётир. Яқинда РСФСРнинг Приморье ўлкаси ўзбекистонлик машҳур архитектор қўли билан яратилган ана шундай лойиҳалардан бирини олди...

Байрам тонгида неварасини етаклаганича кўчадан ўрта бўйли, кенг елкали, чеҳраси гулгун бир киши ўтиб бормоқда. Унинг кўксида орден ва медаллар ярқирайди, атрофга мафтункор боқади. Кичкинтойга ишора билан нималарнидир тушунтиради. Ким билсин, балки у қалби ифтихорга тўлганича жажжи ҳамроҳига осмонўпар бинолар ҳақида, қалбидаги чексиз орзулар ҳақида эртак сўзлаётгандир.

Кўчадан бир киши ўтиб бормоқда. У ССР халқ архитектори унвонига сазовор бўлган Ўрта Осиё бўйича ягона, камтарин, захматкаш олим, диди юксак, қўли гул бунёдкор — Абдулла Бобохоновдир. Унинг қадами дадил.

И. АБДУРАҲМОНОВ, С. ҲАСАНОВ.

Спорт

ЧЕМПИОНАТ БАЙРОҒИ ТУШИРИЛДИ

Утган куни биринчи лига вакиллари чемпионатнинг сўнгги тур ўйинларини ўтказдилар. Тошкентнинг «Пахтакор» футболчилари Кутаисининг «Торпедо» коллективини қабул қилишди. Ўйин анча қизиқарли бўлди. Владимир Федоров 7-минутда ҳисобни очди. 25-минутда эса Г. Горгадзе узоқдан кучли зарб билан ҳисобни тенглаштирди. Иккинчи бўлимда Тўлаган Исоқов командасини яна олдинга олиб чиқди. Лекин ўйинни бўш ўтказган дарвозабон Сергей Покотилов яна дарвоза қолди. З. Сванадзе 40 метрлар чамасидан иккинчи жавоб тупи киритиб ҳисобни 2:2 қилди.

Пойтахт спартакчилари Грознийда «Терек» билан учрашиб, ўйинни натижасиз дуранг қилдилар. Шундай қилиб 54 очко тўплаган пойтахт спартакчилари кичик олтин медаль эгалари бўлишди. Мавсумни 52 очко билан якунлаган пахтакорчилар кичик кумуш медалга сазовор бўлдилар. 49 очко тўплаган «Таврия» футболчилари учинчи ўринни олишди. Улар сўнгги турда Ленинграднинг «Динамо» командасини 1:0 ҳисобида мағлубиятга учратдилар. Ростовда маҳаллий армиячилар билан 1:1 ҳисобида дуранг ўйнаган Минск динамочилари 46 очко билан тўртинчи ўринда қолдилар. Чемпионатнинг сўнгги туридаги бошқа ўйинлар қуйидагича тугади: «Спартак» (Ор) — «Шинник» — 1:0, «Нистру» — «Звезда» — 1:2, «Спартак» (И-Ф) — «Рубин» — 2:1, «Металлург» — «Кузбасс» — 2:1, «Кривбасс» — «Уралмаш» 2:1, «Помир» — «Колхозчи» — 2:0.

ҚЎШИМЧА ЎЙИНДА ҲАЛ БЎЛАДИ

Келаси йил мамлакат чемпионатининг биринчи лигасида қатнашишга даъвогар бўлган «Янгиер» футболчилари Краснодарнинг «Кубань» командаси билан бўлган такрор ўйинда 2:1 ҳисобида ғолиб келишди. Сирдарё футболчиларидан тўпларни Ким ва А. Голкинлар киритишди. Мазлумки биринчи ўйинда «Кубань» ғолиб келган эди.

Шундай қилиб, йўлланма эгаси қўшимча ўтказиладиган учинчи ўйинда маълум бўлади. Бу учрашув 10 ноябрда Симферополь шаҳрида ўтказилади.

Одессанинг Армия спорт клуби командаси учта йўлланманинг биттасини қўлга киритди. Одесса футболчилари ўз майдонларида Семипалатинскнинг «Спартак» командасини қабул қилиб, 3:0 ҳисобида ғолиб келишди. Сафарда эса биринчи ўйинни 2:2 ҳисобида дуранг қилишган эди.

ОТЧОПАРДА БАЙРАМ

Эртага Тошкент отчопарида республикамизнинг энг кучли чавандозлари ва ДОСААФ спортчилари иштирокида катта спорт байрами бўлади. Улуғ Октябрь байрами ва меҳнатдаги ютуқларимизни тараннум этишга бағишланган бу байрамда кучли полвонлар маҳоратларини намойиш этадилар. гимнастикачиларнинг чиқишлари бўлади, тош кўтариш бўйича беллашувлар, чавандозларнинг турли масофаларга пойгалари, «Қиз қувмоқ», «Човган», «Низаки-нетум» каби мусобақалар бўлади. ДОСААФ спортчилари эса турли классдаги мотоциклар ҳамда «Жигули» ва «Москвич» енгил машиналарида пойгалар уюштиришади, авиамоделчилар ҳам маҳоратларини намойиш этадилар.

Дорбозлар, санъат усталари ҳамда бадиий ҳаваскорлар ҳам байрам файзига файз қўшишади. Тошкент отчопаридаги спорт байрами уч кун давом этади.

Тошкент отчопарига, спорт байрамига марҳамат!

ОЧКОЛАРНИ БЎЛИШИБ ОЛИШДИ

«Бинокор» хоккейчилари биринчи лиганинг кучли коллективларидан бири бўлган Саратовнинг «Кристалл» командаси билан иккита ўйин ўтказиб, биринчисида 6:4 ҳисобида ғолиб келишди, иккинчи учрашувда эса 4:9 ҳисобида енгилдилар. Шундай қилиб командалар очколарни бўлишиб олишди.

«Бинокор» навбатдаги учрашувларини 9 ва 10 ноябрда ўз майдонида Пензанинг «Дизелист» командаси билан ўтказади.

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета народных депутатов.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700000, ГСП, Тошкент, ЛЕНИН проспекти, 41 * ТЕЛЕФОНЛАР Коммутатор — 330249 дан 330258 гача. Эълонлар — 338142.

Р. 24841. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси, Тошкент шаҳри. Индекс 64584. Г. 1742.